


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида
“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда меҳнатни рағбатлантириш усуллари.

Рахбар: С.Бозорова

Талаба: Н.Ҳазратов.



ЖИЗЗАХ – 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДИҲ рашеи:

Кафедра мудири:

«___» ____ 2018 йил

«___» ____ 2018 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ИЗОҲНОМА

МАВЗУ: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида
“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда меҳнатни рағбатлантириш усуллари.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ТАРКИБИ

Тушунтириши ёзуви _____ 78 бет

График қисми _____ 5 варақ

Талаба:

Н.Ҳазратов

Битирав иши раҳбари:

С.Бозорова

ҚИСМЛAR БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:

1. Назарий қисм _____ С.Бозорова _____

2. Меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникаси Б.Холдоров _____

3. Иқтисодий таҳлил қисми _____ С.Бозорова _____

ЖИЗЗАХ-2018 йил

Жиззах политехника институти

Олий ўкув юрти

«Сервис» факультети “Менежмент” кафедраси “Транспортда менежмент” таълим йўналиши 411-14 ТМ гурухи

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Кафедра мудири *Халид*

«16» 06 2018 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА
ТОПШИРИК**

Талаба: **Ҳазратов Нуриддин**

(Ф.И.Ш.)

- 1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда меҳнатни рағбатлантириш усуллари. Мавзуу институт ректорининг 2017 йил “28.12” №ГЗ&Зсонли буйруги билан тасдикланган.**
- 2. Битирав малакавий ишини топшириш: муддати – 19 июн 2018 йил.**
- 3. Битирав малакавий ишини бажаришга доир бошлангич маълумотлар:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари БМИда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, меёрий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси карорлари ва Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, корхонани 2015-2017 йиллардаги бухгалтерия ҳисботи маълумотларидан фойдаланилди.

- 4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар руйхати):**

Кириш. I-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда меҳнатни рағбатлантириш. II-Боб. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг техник иқтисодий тавсифи. III-боб. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги меҳнат ресурслари таҳлили. Холоса ва таклифлар. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 5. Чизма ишлар руйхати(чизмалар номи аниқ кўрсатилади):**

“Жиззахавтеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг меҳнат ресурслари таҳлили. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг молиявий натижалар таҳлили. Ходимларни эҳтиёжлари турлари. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг бошқарув структураси.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳат(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзоси, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1.	Назарий қисм	С.Бозорова	<i>~Набор~</i>	<i>~Набор~</i>
2.	Иқтисодий таҳлил қисм	С.Бозорова	<i>~Набор~</i>	<i>~Набор~</i>
3.	Меҳнат муҳофазаси	Холдоров Б	<i>~</i>	<i>~</i>
4.				


7. Битирув малакавий ишининг бажариш режаси

№ т/р	Битирув иши босқичларининг Номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлиги белгиси (имзо)
1.	Кириш	13.01 - 20.03. 2018 й	<i>~Набор~</i>
2.	Назарий қисм	31.03 - 22.05. 2018 й	<i>~Набор~</i>
3.	Иқтисодий таҳлил қисми	26.05 - 03.06. 2018 й	<i>~Набор~</i>
4.	Меҳнат ва атроф муҳитни муҳофазаси қисми	23.05-25.05.2018 й	<i>~</i>
5.	Хулоса ва таклифлар	04.06. - 04.06. 2018 й	<i>~Набор~</i>
6.	Тақризлар олиш	11.06. - 12.06. 2018 й	<i>~Набор~</i>

Битирув малакавий иши раҳбари:

С.Бозорова. *~Набор~*


(Ф. И. Ш)

(имзо) 

Топширикни бажаришга олдим:

Н.Ҳазратов

(Ф. И. Ш)

(имзо) 

Топширик берилган сана: 20.01.2017 йил

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
“ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖДА МЕҲНАТНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.**

Мундарижа	5бет
Кириш.....	6
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОБЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1.Корхоналар фаолиятини бошқаришда ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тушунчасининг моҳияти ва мазмуни.....	9
1.2.Корхоналарда меҳнат мотивациясини ошириш йўллари ва иш фаолиятини баҳолаш назарияси	18
1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шаритида ходимларни рағбатлантиришнинг ижтимоий асоси.....	31
II-Боб.“ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖНИНГ ТЕХНИК – ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ.....	38
2.1. “ Жиззахавтотеххизмат ” МЧЖнинг тарихи ва бошқаруви..	38
2.2. “ Жиззахавтотеххизмат ” МЧЖ нинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	48
2.3 .Меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.....	51
III-боб. “ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖДА МЕҲНАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.	55
3.1.“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг меҳнат кўрсаткичларини таҳлил қилиш.....	55
3.2.“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йилларда меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш таҳлили.....	62
3.3. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2015йилларда молиявий натижалар таҳлил	65
Хулоса ва таклифлар.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74

КИРИШ

БМИ мавзусининг долзарблиги. Рағбатлантириш бу инсон омилини кенг демократик асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қилишни бошқаришдир. Мехнатни пировард натижасига қараб ходимларни рағбатлантириш кўндаланг туради. Бунда моддий рағбатлантириш усули қўлланиладики, натижада бу катта самара беради. Рағбатлантириш хар доим ҳам менежерлар учун муҳим ва эътиборли функция бўлиб келган. Ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятининг муҳим томонини хилма хил рағбатлантириш омилларидан фойдаланиш ташкил этади. Бу омиллар жамоани ижтимоий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ва режаларини бажариш, биргаликда куч-гайрат сарфлаш натижаларини ошириш соҳасидаги фаол ишларга ундаиди. Бунга ижтимоий ривожлантириш ишида ташаббус кўрсатиб, яхши намунаси билан ажralиб турадиган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш киради. Ҳар бир корхона ва ташкилот ўз ходимларини маълум бир шаклда рағбатлантиради, яъни улар корхона ва ташкилотнинг мақсадларига эришиши учун меҳнат қилиб, сарфлаган вақтлари, куч-қувватлари, ақл идроклари ўрнини тўлдирадилар. Рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган ва одатдаги шакли албатта, пул билан мукофотлаш ёки иш хақи тўлашдир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида “ Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, бакалавриат ва магистратура талабаларига ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича шартнома тўлови миқдорининг 35–40 фоизини ташкилот ҳисобидан тўлаш орқали моддий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3–5 йил ва ундан кўпроқ фаол ишлаб келаётган, ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олиш истагини

билдирган ходимларнинг ҳар йили 140 нафарига 25–30 фоиз миқдоридаги бошланғич тўлов ташкилот маблағлари хисобидан тўланади. Шунингдек, Ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш, ташкилотнинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида «Асака» банкининг 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлари асосида уларга ўзимизда ишлаб чиқарилган «Матиз» ва «Дамас» автомобилларини шахсий мулк сифатида сотиб олишда қулайлик яратилади”¹

Ходимларга компенсация тўлашнинг бошқа турлари ҳам борки, булар корхона ва ишлаб чиқарган маҳсулот билан мукофотлаш, каттароқ маош тўланадиган ишга ўтказиш, шунингдек хайрия ташкилотлари аъзоларининг турли фаолиятларда иштирок этишдан олган маънавий қониқиши хосил қилишлари ва бошқалар. Шундай қилиб, ташкилотни муваффакиятли ривожланиши учун кадрларни танлаш, ўқитиш, баҳо бериш ва рағбатлантириш, бошқариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишнинг алоҳида усуслари, тадбирларини ишлаб чиқиши, фойдаланиши ва уларни такомиллаштириш зарур.

БМИ нинг обьекти. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ БМИнинг обьекти ҳисобланади. **БМИ нинг предмети.** Бозор иқтисодиёти шароитида «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖда ходимларни рағбатлантириш билан боғлиқ жараёнлар БМИнинг предметидир.

БМИнинг мақсади. Ходимларни бошқариш жараёнида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва рағбатлантириш орқали ходимлар меҳнат фаолияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 1 июл. 2017 г. www.gazeta.uz

самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиши.

БМИ нинг вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Мехнат фаолиятини рағбатлантиришнинг замонавий услубарини тадқиқ этиш;
- Корхоналарда замонавий рағбатлантириш усубларини жорий этиш заруратини асослаб бериш;
- «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖда рағбатлантириш тизимини ходимларга бўлган таъсирини таҳлил қилиш;
- «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖда ходимларни танлаш ва рағбатлантириш тизими니 такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Мавзунинг назарий - амалий аҳамияти. Ходимларни бошқариш меҳнат фаолиятини рағбатлантириш муаммоларига қаратилган бир қатор назарий-амалий изланишлар хориждаги ва республикамиз олимлари томонидан ўрганилган. К.Х.Абдураҳмонов, Ё.Абдуллаев, Р.Я.Досумов, М.А.Турсунхўжаев, Н.М.Махсудов, Д.Н.Рахимова, Н.Ходжаев ва бошقا бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

БМИ таркибининг қисқача тавсифи. Битирув малакавий ишининг тузилиши: кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. БМИ матни 78 бетни ташкил этиб, унда 4 та жадвал, 4 та расм, 6 та диаграмма келтирилган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОБЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. § Корхоналар фаолиятини бошқаришда ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тушунчасининг моҳияти ва мазмуни

Мотив (сабаб - франсузча мотиф - ундаш маъносини билдиради) - шахсни, ижтимоий гурухни, муайян эҳтиёжларни қондириш истаги билан боғланган кишиларнинг бирлигини фаолликка ва меҳнат қилишига ундашдир.

Мотивация (сабабни асослаш) - реал меҳнат хулқ-авторини тушунтириш, асослаб бериш учун сабаблар (мулоҳазалар) танлашга қаратилган оғзаки хатти-ҳаракатдир. Меҳнат мотиватсиясининг ички ундовчи кучларини шакллантириш – меҳнат фаолияти сабабини асослаш жараёнининг моҳиятидир. Сабаб омиллари сифатида сабабнинг асоси ёки шарт шароитларини айтиш мумкин. Улар сабабнинг мазмунли томонини, унинг асосий белгилари ва устивор йўналишларини белгилаб беради. Сабаб омиллари сифатида ижтимоий ва иқтисодий муҳит омиллари (рағбатлар) ёхуд барқарор эҳтиёжлар ва қизиқишлар майдонга чиқади. Иқтисодчи олимлар жаҳон мамлакатларида персонал меҳнат мотивацияси тизимини ташкил этишда учта моделни фарқлайдилар².

1. Европа модели. У ижтимоий давлат модели сифатида ҳам таърифланиб, меҳнат мотивацияси тизимини ташкил этишда давлатнинг иштироки назарда тутилади. Бу модель Швейцария, Дания, Германия, Норвегия, Франция, Финляндия, каби мамлакатларга хосдир. **2. Америка (инглиз-саксон)** моделида меҳнат мотивацияси тизимини ташкил этишда давлатнинг иштироки нисбатан пастроқдир. Бу тизм кўпроқ АҚШ, Буюк

² Маршев В.И. История управленческой мысли. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009 – с. 86

Британия, Австралия, Янги Зеландия каби давлатларга тааллуқлидир. 3. Осиё модели. Кўпроқ Япония, Жанубий Кореяга хос бу мотивация тизими асосида персонал ўзаро муносабатларида бир-бирига хурмат, катта ёшдагиларга иззат-икром, ўзаро ишонч ётади Еҳтиёжлар - шахснинг яшashi ва ўзини ўзи сақлашига доир зарур воситалар ва шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги ғамхўрлик қилиши, яшаш муҳити билан барқарор мувозанатни сақлашга интилишдир. Инсон эҳтиёжларининг кўпгина таснифлари мавжуд бўлиб, улар учун асос сифатида инсон эҳтиёжларининг ўзига хос объекти, уларнинг функционал вазифаси, амалга ошириладиган фаолият тури ва ҳоказолар намоён бўлади. , эҳтиёжлар иерархиясини (поғонасини) америкалик психолог А. Маслоу анча тўлиқ ва муваффақиятли тарзда ишлаб чиқсан, у хулқ-атвор сабабларининг бешта даражасини ёки гурӯхини у ёки бу пайтда устунлик қилувчи эҳтиёжларга қараб ажратган (1.1 – чизма).

«Рағбат – бу ташкилот мақсадларига эришишнинг умумий режасига биноан корхона ходимларида уларга топширилган вазифаларга мувофиқ ҳолда ҳаракат қилишга интилиш яратишидир». Бундан ташқари, «ҳаракат қилишга интилиш яратиши» кераклиги ҳақидаги иборани алоҳида қайд этиш лозим – бу жуда муҳим жиҳат. Жарималар тизимини рағбат, деб бўлмайди, чунки жарималар тўғри йўл тутишга ундумайди, улар хато ҳаракатни, кўпи билан – ҳаракатсизликни таъқиқлашади. Айнан мана шунинг учун самарали рағбатлантириш схемасида жарима санкциялари ҳеч қачон биринчи ўринда турмаслиги лозим. Айниқса бу раҳбарлар рағбатига тааллуқлидир. Ходимлар умумий рағбати уларнинг ўзлари ва ҳамкасларига ҳам боғлиқ. Келиб чиқадики, рағбатлантирилган раҳбарлар ўзлари ва атрофдагиларни ҳам рағбатлантиришади, жараённи умумий рағбат ошишига йўналтиришади. Афсуски, айнан мана шу жараён орқага ҳам бирдек ишлайди – қўнгли совиган раҳбарлар бошқаларга салбий таъмир кўрсата бошлашади, ва агар қўнгли совиганлар сони рағбатлантирилганлар сонидан кўп бўлса, умумий

рағбат юқори раҳбарият ҳаракатларидан қатъий назар пасаяди. Айнан шунинг учун ҳам, инсонлар рағбатланишига таъмир қилувчи ҳар бир ҳаракатни эҳтиёткорлик ва натижасини ўйлаган ҳолда амалга ошириш лозим.

A. Maslouning ehtiyojlar iyerarxiyasi

Odamlarning takror ko'payishiga, oziq-ovqatga, nafas olishga, jismoniy harakatlarga, kiyim-bosh, uy-joy, dam olish va hokazolarga bo'lgan fiziologik va jinsiy ehtiyojlari

Ekzistentsial ehtiyojlar-o'z yashashining xavf-xatarsiz bo'lishiga ehtiyoj, ertangi kunga ishinch, hayot faoliyatining barqaror shart-sharoitlari, insonni qurshab turgan muhitning muayyan darajada doimiy va muntazam bo'lishiga ehtiyoj, mehnat sohasida esa, kafolatlangan bandlikka, baxtsiz xodisalardamsug'urtalashga va shu kabilarga bo'lgan ehtiyojdir.

Jamoaga bog'liqlikka, unga mansublikka, muomalada bo'lishga, boshqalar to'g'risida g'amho'rlik qilishga, o'ziga e'tibor berilishiga, birgalikdagi mehnat faoliyatida ishtirok etishga bo'lgan ijtimoiy ehtoyojlar

O'z-o'zining hurmat qilinishiga, obro'-e'tiborga ega, qadr-qimmatining oshishiga, tan olinish va yuqori baho olishga bo'lgan ehtiyojdir

Shaxsiy, ma'naviy ehtiyojlar o'zining ijod orqali faollashuvi, o'zini namoyon qila olishida ifodalanadi

1.1 чизма. А.Маслоуning эҳтиёжлар иярархияси

Бўлимларнинг энг яхши раҳбарлари – бу нима бўлишига қарамасдан ўз ходимлари ва бошқа раҳбарларни ижобий рағбатлантира

оладиганларидир. Компания барқарорлиги айнан уларнинг гарданида туради, чунки барча ўзгарувчан ҳолатларда рағбат ўзидан-ўзи тушиб кетади, шу сабабдан атрофдагиларни рағбатлантириш учун барча кучларни ишга солиш керак. Корхона мақсадига эришиш — ишлаб чиқаришда юкори самарадорликни таъминлаш персонал ўз хизмат вазифасини сидқидилдан, ташаббускорлик кўрсатиб бажаришига боғлиқ. Бунинг учун ходимлар ўз ишларига чинакамига қизиқишлари керак.


Меҳнатни рағбатлантириш муайян, олдиндан белгилаб қўйилган натижаларга эришиш имконини берадиган жўшқин меҳнат фаолияти ходимнинг мухим ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, унда меҳнатга қизиқиш (мотив)ни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиши кўзда тутади. Меҳнатга қизиқтириш ва рағбатлантириш тизими муайян асос — меҳнат фаолиятининг меъёрий даражасига таяниши керак. Ходимнинг меҳнат муносабатларига жалб этилишининг ўзи унинг олдиндан келишилган, муайян иш хақи хисобига муайян вазифаларни бажаришини назарда тутади. Бу муносабатларда рағбатлантириш шарт эмас. Мазкур муносабатлар назорат қилинади, белгиланган талаблар бажарилмаслиги учун жазо чоралари кўллаш билан боғлиқ омиллар кучда бўлади. Моддий неъматларни йўқотиш билан ботиқ бу жазолар келишилган иш хақини қисман тўлаш ёки меҳнат муносабатларини бекор қилишга олиб келиши мумкин. Ходим унга қандай талаблар кўйилганлиги, бу талабларга у қатъий риоя этган тақдирда қандай иш хақи олиши, белгиланган талабларни бузган тақдирда қандай жазоланишини билиши шарт. Интизом хамиша мажбур этиш хусусиятларига эга бўлади ва ўзини тутиш имкониятларини муайян доирада чеклайди. Бироқ назорат қилинадиган ва қизиқтириладиган фаолиятлар ўртасидаги фарқ жуда шартли ва ўзгарувчандир. Жумладан, меҳнатга қизиқиши кучли ходим интизомли, талабларни сидқидилдан бажарувчан ва бу нарсаларга ўзининг ахлоқий меъёрлари сифатида муносабатда бўлади. Меҳнатни рағбатлантириш тизими бошқарувнинг

маъмурий-хуқуқий услубидан келиб чиқадиган бўлса, бу услуб ўрнини эгалламайди. Мехнатни рағбатлантириш бошқарув органлари ўзлари хақ тўлаётган иш даражасига эришиб, уни шу меъёрда ушлаб туро олсаларгина самарали бўлади. Рағбатлантиришнинг мақсади инсонни меҳнат қилишга ундан қолмасдан, балки уни меҳнат муносабатларида белгилаб қўйилганидан самаралироқ меҳнат қилишга ундашдир. Мехнатни рағбатлантиришнинг бир неча функциялари мавжуд:

Иқисодий функция. У, энг аввало, меҳнатни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашишда намоён бўлади. Бу меҳнат унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишида ўз ифодасини топади. **Ахлоқий функция.** У меҳнатни рағбатлантириш, фаол хаётий позицияни, жамиятда соғлом ахлоқий-ижтимоий мухитни шакллантиради. **Ижтимоий функция.** У жамиятнинг ижтимоий тизимини даромадларнинг турли даражасини хисобга олган холда шакллантириш билан таъминланади. Ушбу даромадлар эса рағбатлантириш омилларининг турли инсонларга таъсирига кўп жихатдан боғлиқдир. Умуман олганда эса эҳтиёжларни шакллантириш пировард даражада шахсни ривожлантириш, жамиятда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришга боғлиқлиги яхши маълум. Ўз навбатида, рағбатлар **моддий** ва **номоддий** бўлади (1.2-чизма).

Мехнатни рағбатлантириш мураккаб жараён хисобланади. Бу ишни ташкил этиш учун муайян талаблар қўйилади. Улар асосан қўйидагилардан иборат: **Комплектлик** ахлоқий ва моддий, жамоа ва шахсий рағбатлар муштараклигини англатади. Уларнинг ахамияти персонални бошқаришга ёндашувлар, компания ёки фирма тажрибаси ва анъаналарига боғлиқдир. Комплектлик **аксилрағбатлар** (антистимуллар) мавжуд бўлишини хам тақозо

этади.



1.2-чизма. Рагбат турлари.

Табақалаштириш ходимларнинг турли қатламлари ва гурухларини рағбатлантиришга яккама-якка ёвдашувни англатади. Маълумки, яхши таъминланган ва кам таъминланган ходимларга ёндашувлар жиддий равища фарқланиши лозим. Шунингдек, тажрибали ва ёш ходимларга ёндашувлар хам турлича бўлиши даркор. **Эгилувчанлик** ва **тезкорлик** рағбатлари жамиятда ва жамоада рўй берётган ўзгаришларга мувофиқ равища, мунтазам равища қайта кўриб чиқишини билдиради. **Хаммабоплилик**. Ходимлар хар бир рағбат турига даъвогарлик қилиш имкониятига эга бўлишлари керак. Рағбатлантириш шартлари демократик ва хамма учун тушунарли бўлиши лозим.³ **Салмоқлик**. Амалиёт рағатларнинг таъсир кучига эга бўлган муайян даражаси мавжудлигидан далолат беради. Бу даражага турли мамлакатлар ва турли жамоаларда турлича бўлади. Баъзи ходимлар учун 5000 сум миқдоридаги мукофот хам салмоқи, бошқалар учун эса 50 минг сўмлик рағбат хам етарли бўлмаслиги мумкин. Рағбатнинг қуи даражасини белгилашда ана шу хусусиятни хисобга олиш керак бўлади.

Босқичма-босқиччилик. Моддий рағбатлар миқдори муттасил

³ Сафарбаев Ш.Н. Иқтисодиётни эркинлаштириши шароитида меҳнат фаолияти мотивациясини шакллантириши йўллари. Магистрлик диссертацияси.-Т., 2003й

кўпайиб боришини амалиётда хисобга олиш керак. Бир маротаба катта миқдорда мукофот бериш, ходимларда навбатдаги рағбатлантириш миқдори ўша катта мукофотдан кам бўлмаслигига умид уйғотади. Ана шу умид оқланмаса, ходимларнинг қизиқиши пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун рағбатлантириш даражаси қанча юқори бўлмасин, уни пасайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Амалий тадқиқотлар рағбатлантиришнинг исталаётган ва реал даражаси ўртасида чизикли боғлиқлик мавжуд эканлигини қўрсатади. Рағбатлантириш миқдори оширилган захоти, кўп холларда, бажарилган бир хил меҳнат учун янада каттароқ мукофотга умид қилинади. Меҳнат натижаси ва унга тўланадиган хақ ўртасидаги **узилишни иложи борича камайтириш**. Чет элдаги кўпчилик фирмаларнинг хафтабай иш хақи тўлашлари, энг аввало, худди ана шу тамойилга риоя этишлари билан боғлиқдир. Рағбатлантиришнинг дархол амалга оширилиши самарадорлиги кўпдан бери яхши маълум. Амалга оширилган тажрибалар ушбу тамойилга амал қилиш, хатто мукофот миқдорини камайтириш мумкинлигини хам исботлайди. Чунки, одамларнинг аксарияти „Кам бўлса хам дархол тўлансин!“ тамойилига мойилдирлар. Бундан ташқари, рағбатлантиришнинг тез-тез амалга оширилиши, унинг меҳнат натижаси билан боғлиқ бўлишидан иборат таъсирчан кучга эга.

Моддий ва маънавий рағбатлантириши усулларини қўшиб олиб бории.

Рағбатлантиришнинг бу икки тури хам катта таъсир кучига эга. Уларни қўллашда иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, анъаналар, ходимнинг моддий ахволи, ёши ва жинси хисобга олиниши лозим. Масалан, ходим ёш бўлса уни моддий рағбатлантириш самаралироқдир.⁴ Бироқ бу маънавий рағбатлантиришни қўллаш самарали эмас, деган маънони келтириб чиқармайди. Олимлар фикрича, иқтисодиётнинг барқарор холатида ходим ёши 50 га етганда унинг учун моддий ва маънавий рағбатлантириш деярли

⁴ Абдураҳмонов Қ.Ҳ., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ.Персонални бошқарни. -21 б

бир хил ахамият касб этади. Рағбатлантириш омиллари ва турларига етарлича эътибор бермаслик ёки ортиқча баҳо бериш корхонада самарали менежмент учун заарлидир. Юқоридагилардан келиб чиқсан холда рағбатларни куйидагича таснифлаш мумкин. Инсон меҳнат фаолиятига киришар экан, унда ёшлигидан эгаллаган муайян қадриятлар, тамойиллар мавжуд бўлиб, уларга оила ва мактабда асос солинган бўлади. Шу даврларда меҳнатга қадрият сифатидаги муносабатлар, шахснинг меҳнат сифатлари — меҳнатсеварлиги, масъулият, интизомлилик, ташаббускорлик ва бошқа хислатлари шаклана бошлайди. Айни вақтда дастлабки меҳнат кўникмалари хосил қилинади. Ишга қизиқиши шакллантириш учун, ушбу меҳнат меъёрлари ва қадриятларини эгаллаш нийоятда мухимдир. Бевосита худди ана шу меъёр ва қадриятлар келгусидаги меҳнат фаолияти мазмунини, турмуш тарзини белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни инсонийлаштиришга **ижтимоий кафолат тизими** хам хизмат қилиши керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ушбу ижтимоий кафолатлар куйидагилардан иборат:

- ✓ бажарилган тегишли меъёрдаги меҳнатга иш хақининг энг кам миқдори;
- ✓ иш хақи тўлашда меҳнат улуши мезони бўйича иш хақини табакалаштиришга асосланган адолат тамойилига амал қилиниши;
- ✓ ишлаб топилган пулни истеъмол бозорида сарф қилишда teng имкониятлар;
- ✓ меҳнат — турмуш сифатининг муайян даражаси. Маълумки, хар бир соҳадаги ислохотларнинг муваффақияти, амалга оширилиши мўлжалланаётган ўзгаришлар қанчалик чуқур ва пухта тахлил;
- ✓ этиб чиқилганлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт соҳаси ислоҳ қилинар экан, меҳнат кишиси ўз меҳнати

самарасидан баҳраманд бўлиш имкониятини берадиган хўжалик юритиш шартшароитлари яратишга биринчи даражали ахамият берилди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтилиши билан иш хақининг ходимларни меҳнатга қизиқтириш функциялари хам янги маъно ва мазмун касб этди. Улар асосан қуидагилардан иборат:

- ✓ хар бир ходимнинг иш хақи, энг аввало, унинг жамоа меҳнатининг умумий натижасига қўшган меҳнат хиссаси билан белгиланади. Холбуки хозирги вақтда хам қатор корхоналарда иш хақи миқдорига ходимнинг шахсий меҳнат улусидан хам кўпроқ корхонанинг умумий иш натижалари таъсир кўрсатиб келмоқда;
- ✓ меҳнатга хақ тўлашда меҳнатнинг мураккаблиги ва ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг истеъмол хусусиятлари хисобга олинган холда иш хақини табакалаштиришни янада кучайтириш (ушбу холатлар меҳнатнинг ижтимоий фойдали эканлиги хамда „ўзимга“ , ва „ўзга“ манфаатлар йўналишини ўғунлаштириш учун ўта мухимдир);
- ✓ нокулай иш шароити ва санитария-гигиена шароитлари учун пул билан компенсация тўлашдан аста-секинлик билан воз кечиш (бу компенсациялар нокулай иш шароитлари бундан буён хам сақланиб қолаверишига йўл очиб берибина қолмасдан иш хақининг меҳнат қилишга қизиқтириш омилини хам пасайтиради);
- ✓ иш хақининг рағбатлантириш ролини кенгайтириш. Бунга малакали ишчи кучи тайёрлашни таъминлайдиган, давлат томонидан кафолатланган энг кам иш хақи миқдори билан турлича меҳнат улуси кўшаётган ходимлар фаровонлигига, сифат жихатдан фарқланадиган энг кўп иш хақининг энг мақбул нисбатини ўрнатиш орқали эришилади;
- ✓ мукофот тизимлари функция ва ролларини ўзгартириш. Меҳнат фаолиятини рағбатлантириш иш вақти ва бўш вақт, меҳнат ва дам

олишнинг энг мақбул нисбати бўлишини тақозо этади. Фақат иқтисодий жихатдан қизиқтириш меҳнат интенсивлигини ошириш ва иш вақти давомийлигини узайтиришга, натижада иш вақтидан ортиқча вақтда ишлашга олиб келади.⁵

Шунинг учун компания ва фирмаларнинг ижтимоий ривожлантириш хизматлари, эндиликда ижтимоий-маиший муаммоларни хал этишдан меҳнат турмуши сифати муаммоларини ечишга ўтишлари керак. Юқори самара билан фаолият кўрсатаётган компания ва фирмаларнинг тажрибаси бошқарув персоналини рағбатлантиришда асосий иш хақи хамда фойдада шерикликни хисобга олишга асосланган. Ходим лавозимида кўтарила борган сари унинг фойدادаги шериклиги белгилаб қўйилганга нисбатан учдан бир қисмга кўпайиб боради. Бундан ташқари, компания ва фирмаларда **ходимларни рағбатлантиришнинг шахсий тизими** хам бўлади. Унга кўра алоҳида холларда моддий ёрдам ходимнинг илтимосига ёки маъмурият ташаббуси билан берилади. Корхоналарда хозирги вақтда мукофотлаш тизими икки даражали: **йиллик мукофот тизими ва хар ойлик мукофот тизими**га бўлинади. Йиллик мукофот тизими йил якунига қараб берилади ва одатда „ўн учинчи маош“ деб юритилади. Хар ойлик мукофотлаш тизими ходимлар меҳнати рағбатлантиришнинг тизими турли шакл ва услубларидан иборатdir.

1.2.§Корхоналарда меҳнат мотивациясини ошириш йўллари ва иш фаолиятини баҳолаш назарияси

Иқтисодиёт фанида ходимни моддий рағбатлантиришга бўлган турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, Россиялик иқтисодчи олим

⁵ Одегов О.Ю. Управление персоналом в структурно-логических схемах: Учебник. – М.: Академический Проект, 2005. – 1088 с.

Ю.Г.Одеговнинг фикрича “Моддий рағбатлантириш - шахсий, гурӯхий ва жамият мақсадларига эришиш учун инсоннинг меҳнат фаолиятига ташқи таъсир кўрсатишидир”⁶. Яна бир Россиялик иқтисодчи олим А.П. Егоршин “Моддий рағбатлантириш – инсон ўз еҳтиёжларини қондириш учун нимани қандай қилиш кераклигини белгилайди”⁷ деб ҳисоблади. Соломанидина Т.О ва Соломанидин В.Г эса “Моддий рағбатлантириш –меҳнат муносабатларини мувофиқлаштиришга хизмат қиласиган шароитларни яратишидир. Бу ходимда сидқидилдан меҳнат қилишга эҳтиёж туғдириши зарур. Шунда ходим ўз эҳтиёжларин қондиришнинг ягона йўли самарали меҳнат қилишдан иборат эканлигини англаб этади”⁸. Бизнинг фикримизча, ўзбек иқтисодчи олимлари Қ.Х.Абдураҳмонов, Ш.Р. Холмўминов, Н.Қ.Зокировлар ходимни моддий рағбатлантиришга жуда лўнда ва аниқ таъриф берганлар: “Персонални моддий жиҳатдан рағбатлантириш дейилганда иш берувчининг меҳнат шартномасига асосан барча сарф – харажатлари тушунилади”⁹.

Ходим меҳнат фаолиятида иштирок этар экан, айни пайтда бир қатор эҳтиёжлар, манфаат ва қадрият йўналишларига эга бўлади. Улар муҳим ва номуҳим, турли даражада аҳамиятли ва қардли бўлиши мумкин. Бу ҳамма омиллар ичida энг асосийларини танлаш эҳтиёжлар, қизиқишлар, қадриятларни меҳнат вазияти билан таққослаш жараёнида сабаблар (йўл-

⁶ Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно – логических схемах .- Москва, 2008 – С.928- 929

⁷ Соломанидина Т.О., Соломанидин В.Г – М.: “Управление персоналом” , 2008.- С. 428

⁸ Егоршин А.П. Управление персоналом – Нижний Новгород, 2010. – С. 379

⁹ Абдураҳмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш . –Т.: “Ўқитувчи”, 2008. – 428- б

йўриқлар) воситасида амалга ошади. Ўз-ўзидан сабаб ва вазиятлар етарли даражада харакатчандир, чунки улар инсон хис-туйғулари, унинг шижааткорона таъсири остида вужудга келади. Вазиятлар ва объектларга янада барқарорроқ муносабатда бўлиш “йўл-йўриқ” тушунчаси билан ифодаланади. Шундай қилиб, “сабаб” ва “йўл-йўриқ” бир-бирига тўла ўхшаш бўлмаса ҳам, маъно жиҳатдан яқиндир. Мехнат соҳасидаги сабаблар хилма-хил функцияларни бажаради ва улар ходим хулқ-авторида рўёбга чиқади. Булар қуийдаги функциялар: йўналтирувчи функция бунда сабаб ходимнинг хулқ-авторини вазиятдан хулқатвор вариантларини танлашга йўналтиради; маъно ҳосил қилувчи функция, бунда сабаб ходимнинг мазкур хулқ-авторидаги субъетив аҳамиятини белгилаб беради, унинг шахсий маъносини аниқлайди; воситали функция, бунда сабаб ички ва ташқи қўзғатувчилар туташган жойда вужудга келади, уларни хулқ-авторга бўлган таъсирини воситалайди; сафарбар қилувчи функция, бунда сабаб ходим организми кучларни ўзи учун муайяун аҳамиятли фаолият турларини амалга оширишга сафарбар этади; оқловчи функция, бундай ҳолатда шахснинг ташқаридан номаллаштирадиган хулқ-автор намунасига, эталонига, ижтимоий ва ахлоқий нормага муносабати ифодаланганд бўлади. Ҳақиқий реал сабаблар билан эълон қилинадиган, ошкора эътироф этиладиган сабабларни фарқига етиш лозим. Ҳақиқий сабаблар булар ундовчи сабаблардир. Иккинчи сабаблар булар мулоҳаза сабаблар бўлиб, уларнинг вазифаси ўзининг хулқ-авторини ўзига ва бошқаларга тушунишидир. Ошкора эълон қилинадиган сабабларни ундовчи сабаблардан фарқли ўлароқ кўпинча далиллар деб аташади. Инсоннинг фаолияти айни вақтда бир неча сабаблар билан аниқланади, чунки улар нарса-буюмлар олами, жамият, атрофдаги кишилар ва ўз-ўзи билан хилма-зил муносабатлар тизимига қўшилади. Ходимларнинг хулқ-авторини белгилаб берадиган етакчи сабаблар гурухини сабаблар ўзаги деб аташади, у ўз тузилишига эгадир. Сабаблар ўзагининг тузилиши муайян меҳнат вазиятларига қараб

фарқланади:


- мутахассисликни ёки иш жойини танлашга;
- корхонада мазкур касб бўйича кундалик ишга;
- муайян низоли вазиятга;
- иш жойини алмаштиришга ёки касбни ўзгартиришга;
- меҳнат муҳитининг тавсифлари ўзгариши билан боғлиқ бўлган инновацион вазият ва ҳоказоларга. Кўриб турибмизки, меҳнат хулқ-авторига уни ташкил этувчи турли таркибий қисмлар таъсир қўрсатади.

Кейинги ўн йилларда меҳнат сотсиологияси ижтимоий хулқ-автор механизмини билишни бир мунча чуқурлаштириш имконини берадиган ғояларни ишлаб чиқмоқда. Бу жиҳатдан В.В.Ядовнинг ёндашуви қизиқарлибўлиб, у шахс ижтимоий хулқ-авторини депозитсион концепсиясини ифодалаб берган эди. Бу ерда гап инсонниг мураккаб диспозитсиялар тизимини (шахсий мойиллик) эгаллаши ҳақида боради, улар инсон хулқатворини тартибга солади. Улар мураккаб тузилишга эга бўлган қизиқишлиар ва вазиятлар туташган жойда ҳосил бўлади. Эҳтиёжлар, вазиятлар ва уларга мос келадиган диспозицияларни тўртта даражаси ажратиб қўрсатилади **1.3 – чизма** :

1. Энг оддий вазиятларда, майший шароитларда биологик эҳтиёжларга боғлиқ йўл-йўриқлар;
2. Одатдаги қундалик шароитларда муомалага бўлган эҳтиёжлар асосида шакллантириладиган ижтимоий йўл-йўриқлар;
3. Шахснинг муайян меҳнат соҳаси ёки дам олиш соҳасидаги қизиқишлиарнинг умумий йўналишини таърифлаб беради (булар базавий ижтимоий йўл-йўриқлардир);

4. Шахснинг қадриятли мўлжаллар тизими.

Сабаблар тузилиши жуда мослашувчан ва доимий равищада ўзгарувчандир (тўғриланиб боради). Мехнат фаолияти жараёнидаги бундай тўғриланиб бориш учун асос сифатида ишлаб чиқариш вазиятининг турли томонларидан қониқиши ҳосил қилиш намоён бўлади.



1.3-чизма. Мехнат хулқ атворини тартибга солиши сабаб

механизмини таснифлаш

Ходим вазиятнинг барча элементларини қанчалик қулайлик билан қабул қиласа, меҳнат хулқ-атвори сабаблари шунчалик тўғриланган бўлади. Сабабларни ўрганишнинг социологик ва психологик даражаларини фарқлаш керак бўлади. Психологик даражада харакатдан олинган мақсадини билиб олиш ва қарор жараёни текширилади. Бутун сабабларни асослаш жараёни мақсад қўйиш билан тугайди.

Сабаблар йўл-йўриқларини ўрганишда шуни назарда тутиш керакки, уларнинг мазмуни кўпроқ қадриятлар ва нормалар мазмунини, аввало шахсий эҳтиёжлар ҳамда қизиқиш йўналишидан кўра ижтимоий жихатдан макулланган қадриятлар ва нормалар мазмунини, аввало шахсий эҳтиёжлар ҳамда қизиқиш йўналишидан кўра ижтимоий жихатдан маъкулланган қадриятлар ва нормалар мазмунини акс эттиради. Бунда сабаблар иерархияси қадриятлар иерархиясидан далолат беради. Эҳтиёжлар ва қизиқишлиар тузилишини еса фаолиятнинг ҳар хил турларига доир вақт сарфлари акс эттиради. Турли ижтимоий гурухлар ходимларининг ҳулқ-атвотининг сабаблари, йўл-йўриқлари, қадриятли йўналишларини, шунингдек уларнинг тузилишини ўрганиш ходим нима сабабдан меҳнат қилаётганлигини аниқлаш имконини беради. Меҳнат фаоллигига ундовчи ички сабабларни билиш асосида яратиладиган рағбатлар тизими меҳнатга муносабатларнинг оптималь типини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Жамиятда амал қилаётган рағбатлар тизими факат ходимларнинг етакчи эҳтиёжларига қизиқишлиарини амалгаоширишга ёрдам бергандагина самарали бўлади.

Инсоният барча даврларида, ҳар қандай тузумда объектив равища ходимлар ҳамма нарсани ҳал қилган ва шундай бўлиб қолаверади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барibir ходимларга ва яна ходимларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай ходимлар тайёрлашимизга боғлиқ».¹⁰

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». – Т.: Ўзбекистон, 1996. 357-358 бетлар.

Бугунги кунда раҳбар ходимларни танлаш жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва ўқитиши масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтарилиди, бу эса «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖга ўзига хос маъсулият юклайди. Замон талабларига жавоб берадиган профессионал раҳбар ходимларни тайёрлаш раҳбарлик сифатлари, фазилатлари, раҳбарга қўйилаётган талабларни назарий асосларни ва амалий хусусиятларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш йўлларни излаш жуда муҳимдир. Менежерларда мавжуд сифатий фазилатларини ўрганиш, уларни баҳолаш, умумий ва ўзига хос томонларини ёритиш, ходимларни танлаш ва қайта тайёрлаш. Барча соҳаларга бўлажак раҳбарларни тайёрлаш таянчи бўлиб олий ўқув юртлари ҳисобланадилар. Ривожланган мамлакатларда ҳам ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта аҳамият қаратилади. Япония донишмандларида шундай гап бор: "Ёмон хўжайн курмак ўстиради, яхшиси гуруч етиштиради, ақллиси тупроқни яхшилади, узоқни кўзловчиси ходим тайёрлайди". Америкаликлар эса: "Америка ҳеч нарса қилмайди, америкаликлар қилади, ташкилот ҳеч нарса қилмайди, ташкилотдаги раҳбарлар ва ходимлар қиладилар", деб таъкидлашади. Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида 2 йиллик «Олий бизнес мактаблар»и мавжуд бўлиб, уларда ёш раҳбар ходимлар ва истеъодли мутахассислар маҳсус ўқув режа ва дастурлар асосида замонавий иктисодиёт, бошқариш ва сиёсий соҳалар бўйича билим оладилар. Аксарият ривожланган мамлакатлардаги етакчи олий ўқув юртлари қошида муддати бир ойдан бир йилгача бўлган турли даражадаги раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари фаолият олиб боради. Ривожланган мамлакатларнинг аксарият йирик компаниялари ўзининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларига эга бўлиб, уларда оддий ишчидан, то юқори лавозимдаги раҳбарларгача мунтазам ўқитилиши йўлга қўйилган. Ривожланган мамлакатларда раҳбар ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ички ва ташқи бўлади. Йирик компанияларда ходимларни қайта

тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ички тизими мавжуд бўлиб, асосий эътибор бошқарув билимларига, соҳа хусусиятларига ва инсон муносабатлари билан боғлиқ билимларга эътибор қаратилади ва бу тизимда асосан бўлажак раҳбарларга мослаштирилган маҳсус ўқув дастурларидан фойдаланилади. Бу ўқишилар бир ва икки йиллик бўлади. Бундан ташқари ҳар бир компания ва фирмада "Микросиёсат ва раҳбарлик этикаси" мавзууда қисқа мудатли мунтазам семинарлар ташкил этилади. Раҳбар ҳодимлар ишини хуқуқий ва ижтимоий кафолати унинг фаолияти самарасида акс этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркор раҳбарларни фаолиятини самарали ташкил этишининг ижтимоий хуқуқий кафолати яратилмоқда. Хусусан **"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури"**да“ - Энг аввало замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш; - Илғор фикрлайдиган, ташаббускор ва маъсулиятли ҳодимлар ҳамда фуқароларни ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватлаш;

¹¹

Ходимлар ишининг муҳим жихати — бошқарув ҳодимлари фаолиятини янгича ендашувлар асосида ташкил этиш билан баҳоланади. Бугунги кунда барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2018йил 22 январ. № ПФ-5308. "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили" Давлат дастури

инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қуидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради: **биринчидан**, ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмаган; **иккинчидан**, инновацион лойиҳалар-стартапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига қўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмаяпти; **учинчидан**, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур кўникмаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда; **тўртинчидан**, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда; **бешинчидан**, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди; **олтинчидан**, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти; **еттинчидан**, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб борилмаяпти, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишига ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Яъни ишни ташкил этишда, молиялаштиришда, маркетинг стратегиясида, ходимлар фаолиятини мотивлаштиришда, опреацион менежментда раҳбарлар ҳали ҳам бошқарувнинг бугунги қун тенденцияларига мос тушмайдиган усуллар билан иш бошқаришлари юқорида қўрсатилган камчиликларнинг асоси бўлиб қолмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришнинг инновацион усуларини амалиётга жорий этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги ва замонавий турларини яратиш мақсадида худудларнинг салоҳияти ва ресурс базаларини чукур тадқиқ қилиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион менежментни ривожлантириш, янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиши бўйича инновацион лойиҳалар-стартапларни, жумладан, хорижда қўлланиладиган илгор услуг ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиши, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашиши учун тавсиялар ишлаб чиқиши, инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш, инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, ахоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш.

Бундай баҳолаш ходимларни самарали танлаш ва жой-жойига қўйиш, ходимларни тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, уларни лавозим бўйича юқори поғонага кўтариш ва ниҳоят бошқарув ходимларининг малакасини

ошириш учун зарурдир. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖда ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган фаолиятни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: Биринчи гуруҳга меҳнат жамоасининг меҳнат унумдорлигининг оширилишига олиб келувчи ташкилий-техник жиҳозлар билан оптимал таъминланиши бўйича олиб борилаётган ишлар мажмуасини киритиш мумкин; Иккинчи гуруҳга ходимларнинг меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи рағбатлантириш тизимини қўллаш бўйича юритилаётган фаолиятни киритиш мумкин. Ходимлар одатда моддий рағбатни бажарилаётган ишнинг, шу ишни бажаришдаги шахсий улушнинг ва ниҳоят эришилган натижанинг муҳимлиги учун олишади. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ раҳбарияти томонидан ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари бўйича доимий мониторинг юритилади, бу тегишли бўлим бошлиқларининг билдиришномалари, ҳисботлари ёрдамида раҳбарга етказилади.

Раҳбар ўз навбатида олдида турган вазифаларнинг қай даражада бажарилганлигига қараб алоҳида ходимни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқади. Ходимлар фаолиятининг натижаларини баҳолаш ходим хулқи ва маҳсулдорлигининг самарадорлик меъзонларига (микдор, сифат ва ўз вақтида бажариш) қиёсан баҳолашни назарда тутади. Ходимлар фаолияти натижаларини баҳолаш тизими бир неча мақсадни кўзлайди. Бу мақсадларнинг асосида ҳар бир ходимнинг ўз олдига қўйган мақсадининг ташкилот мақсадига ҳамоҳанг бўлишига эришишни таъминлаш ётади. Бошқарув ходимлари учун қандай турдаги баҳолашлар қўлланишини кўриб чиқамиз:

1. Шахсий фаолиятини мажмуавий баҳолаш — унинг барча вазифаларини қамраб олишдан иборат. Бу муҳим ва мураккаб баҳолаш туридир. Шахсни мажмуавий баҳолаш ходимнинг ёки раҳбарнинг самарали меҳнатини

бевосита шарти бўлган сифатларни қўшилишидан келиб чиқади, (яъни унинг барча иш вазифаларини бажариши).

2. Локал баҳолаш. Баҳолаш қандайдир бир вазифани ёки уни бир қисмини бажариш натижалари асосида амалга оширилади. Масалан, директор фаолияти бир неча вазифаларни ўз ичига олади. Улар ичида корхона меҳнаткашларини шикоят ва таклифларини қўриб чиқишидир. У вазифани яхши бажарайтими ёки йўқми? Ушбу вазифани амалга ошириш қўйидаги ўлчамларда баҳоланади:- уларни қўриш муҳлати;- уларга қандай жавоб беради; - унинг рад жавобидан кейин одамларнинг ушбу шикоят бўйича юқори ташкилотларга тез-тез шикоят қилишлари; - унинг жавоб шакллари. Ушбу ўлчамлар раҳбарнинг одамлар билан ижтимоий соҳада ишлай олишининг умумий қўринишини ташкил этади. Бу каби тавсиф унинг тавсифлари мажмуасининг бир қисми ҳисобланади. Шундай қилиб, тавсиф-қоида бўйича ходимнинг алоҳида вазифаларини бажариш ишига бериладиган баҳодир.

3. Узайтирилган баҳолаш. Ушбу баҳо мутахассисни меҳнат фаолиятини узоқ муддатда ўрганилишидан иборат. Бу баҳолаш раҳбар хизматининг ўтган даврдаги ва жорий фаолиятини таҳлил қилишга асосланган. Бу баҳолаш усули раҳбар ва мутахассислар фаолиятини умумий тавсифини бериши мумкин.

4. Экспрессив баҳолаш (тезкор баҳолаш) факат раҳбарнинг жорий фаолиятини акс эттиради. Бу инсонни ҳозирги даврда қачон бўлаёттан сифатлари ва қандай ишлаётганини таҳлил қиласиди.¹² Ходимларни баҳолашнинг алоҳида тури ходимларни аттестациядан ўтказишидир. Аттестациянинг асосий мақсади — хизматчининг эгаллаб

¹² Абдураҳмонов К.Ҳ., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ.Персонални бошқарии. -21 б.

турган лавозимига лойиқлигини аниқлашдан иборатдир. Агар у мазкур лавозимга лойиқ деб топилса, унда уни яна юқори лавозимга кўтариш имконини қидириш керак бўлади. Шундай қилиб, аттестация унинг меҳнат фаолиятига берилган объектив баҳо, деб билиш мумкин. Шу билан бирга аттестациядан касб маҳоратини рағбатлантириш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, яъни унга энг юқори малака берилиши ёки юқори ойлик маоши тайинланиши мумкин. Аттестация 3-5 йилда бир марта ўтказилиши мўлжалланади. Аттестациянинг аниқ маъноси, уни ўтказиш усули ва шакли, соҳа ва бошқарув бўлимлари хусусиятларига, ихтисослик турига, ходимлар касбига қараб турли хил бўлиши мумкин. Ҳар қандай аттестация (унинг ҳар қандай шакли) ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1. Аттестациядан ўтувчи қандай иш бажаради. .**
- 2. Ўтган даврдаги ишининг сифати.**
- 3. Ишга муносабати.**
- 4. Меҳнат интизомига риоя қилиши.**
- 5. Жамоа фаолияти натижасига хизматининг қўшган улуши ва бошқалар.**

Кадрлар билан ишлашда ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш — марказий масала ҳисобланади. Кадрларни танлаш - бу, раҳбарлар, ходимлар ва мутахассисларни ўрганиш жараёни бўлиб, ундан мақсад уларни вазифавий мажбуриятларини маълум лавозимларда бажаришга яроқлилигини аниқлашдан иборатдир.

Бошқарув ходимларини танлаш қуйидаги учта йўналишда олиб борилади.

1. Ташкилот ичida бошқарув ходимини бошқа жойларга ўтказиш билан (бу хизмат бўйича кўтариш, бўш лавозимларга тайинлаш).

2. Раҳбарларнн ташқаридан ёллаш ёки сайлов орқали вазифага қўйиш.
3. Ходимлар заҳирасини махсус тайёрлаш. Ходимларни жой-жойига қўйиш — бу бошқарув аппаратидаги мавжуд ёки ёлланган ходимларни унинг ичida мақсадга мувофиқ тақсимлашдир. Табиийки, имкони борича ходимларни тўғри тақсимлаш зарур. Ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ўзига хос мураккаб жараёндир.

1.3. § Иқтисодиётни модернизациялаш шаритида ходимларни рағбатлантиришнинг ижтимоий асоси.

Рағбатлантириш бу инсон омилини кенг демократик асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йулида ғамхурлик қилишни бошқаришдир. Мехнатни пировард натижасига караб ходимларни Рағбатлантириш кундаланг туради. Бунда моддий Рағбатлантириш усули қўлланиладики, натижада бу катта самара беради. Рағбатлантириш хар доим хам менежерлар учун мухим ва эътиборли функция булиб келган. Бунинг мухимлиги шундаки, менежерлар доимо ишчилар билан, одамлар билан ишлайдилар, мулокотда буладилар. Менежерлар ташкилотни максадларга эришиши учун, одамларни бирлаштириш учун одамларни хулк атворини кандайлиги тугрисида бир канча маълумотларни олиш учун Рағбатлантиришни амалга оширадилар.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятининг мухим томонини хилмаҳил Рағбатлантириш омилларидан фойдаланиш ташкил этади. Бу омиллар жамоани ижтимоий ривожлантиришнинг максадли дастурларини ва режаларини бажариш, биргаликда куч-ғайрат сарфлаш натижаларини ошириш соҳасидаги фаол ишларга ундейди. Бунга ижтимоий ривожлантириш ишида ташаббус кўрсатиб, яхши намунаси билан ажralиб турадиган ходимларни моддий ва маънавий Рағбатлантириш киради

Хар бир корхона ва ташкилот уз ходимларини ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг турли усулларидан фойдаланишади.



1.4-чизма. Ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжлари.

Рағбатлантиришнинг энг кўп таркалган ва одатдаги шакли албатта, пул билан мукофотлаш ёки иш ҳақи тўлашдир. Лекин ходимларга компенсация тўлашнинг бошка турлари хам борки, булар корхона ва ташкилот ишлаб чикарган маҳсулот билан мукофотлаш, каттарок маош тўланадиган ишга утказиш, шунингдек хайрия ташкилотлари аъзоларининг турли фаолиятларда иштирок этишдан олган маънавий коникиш хосил килишлари ва бошкалар. Шундай килиб, ташкилот муваффакиятли ривожланиши учун кадрларни танлаш, укитиш, баҳо бериш ва Рағбатлантириш, бошкариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишнинг алоҳида усуслари, тадбирларини ишлаб чикиши, фойдаланиши ва уларни такомиллаштириш зарур. Биргаликда олинган бу усуслар, тадбирлар, дастурлар инсон ресурсларини бошкариш тизимларидан иборатдир. Анъанавий равишда бундай тизимлар тўртта булиб, улар инсон ресурсларини бошкаришнинг асосий вазифаларига тугри келади - бу тизимлар кадрларни танлаш, кадрларни укитиш ва малакаларини ошириш, уларга баҳо бериш ва Рағбатлантиришдир. Баъзан бу сўнгги икки тизим бир-бирига чамбарчас боғлиқ булганлиги сабабли улар бирлаштирилади. Рағбатлантириш тўғрисида кўплаб назариялар мавжуд бўлиб, улар менежерларга одамларни самарали фаолиятини ташкил килишда турли хил йул йуриклар кўрсатади. Рағбатлантириш бу менежерларни чукур уйга солади, чунки истак ва ниятлар тугридан-тугри бирон-бир чора тадбир амалга ошмай туриб рағбатлантирилмайди. Улар фақатгина иш натижасидан сўнг, ходимларнинг ўзларини тутишларига қараб амалга оширилади. Бундан ташқари одамларни нима учун ва кандай рағбатлантириш назариялари мавжуд бўлиб, бу назариялар менежерларнинг самарали натижага эришиш йулларини таъминлаш билан фарқ қиласи. Хозирда янги ва эски назариялар уюшган холда ўрганилиб, рағбатлантириш ва уни ишда қўллаш тўғрисидаги фикрлар уйғунлашмокда. Рағбатлантириш бу фақат бир ходимнинг ишини бажара олиш даражасига таъсир қилиш эмас, балки

корхонанинг барча ходимларига таъсир қилишидир. Рағбатлантиришнинг иккита омили мавжуд булиб, “истеъдод” ва ўзини кандай тутиш орқали юқори даражага эришиш, яъни “қобилият” омиллари дидир. Рағбатлантириш, истеъдод ва қобилият омиллари доимо ўзаро боғланишда амалга оширилади. Чунки қобилиятли ва истеъдодли ишчи ходимлар рағбатлантирилади. Агар бу учала омиллардан бирортаси суст бўлса, ишни амалга ошиши хам суст булади ва аксинча. Алоҳида олинган хар бир ходимдан самарали фойдаланиш унинг талаб килинган ишни бажара олиш қобилиятига боғликдир. Қобилият дейилганда ходимда узига юкланган вазифаларни бажариш учун касб малакасининг мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний куч-куват ва чидамлилик, укувлилик, умумий маданият борлиги ва шу кабилар тушунилади. Масалан, олийгоҳ уқитувчиси учун қобилият фанни дастурини билиш, талабалар рухиятини тушуниш, тингловчилар олдида сузлай олиши, конспектларни текшириш, уларга хар жихатдан урнак булиш ва уларга маслаҳатлар берга олиш ва мураббийлик килиш тушунилади.

Менежментнинг эволюцион боскичларида айтилишида менежерлар Рағбатлантиришнинг куйидаги учта усулини кўрсатадилар. Булар:

1.Анъанавий усул.

2. Инсоний муносабатлар усули.

3. Инсоний ресурслар усули.

Менежерлар рағбатлантиришнинг шу учта усули оркали одамларни белгиланган тартибда бошкаришга ишонч хосил киладилар. Анъанавий усул. Бу усул Фредрих Тейлор ва бошка илмий бошкариш мактабларининг илмий изланишлари билан бояланган булиб, бошлангич усул хисобланади. Бу усул асосан, менежерлар кандай килиб уз касбларини хамда ишчи ходимларини Рағбатлантиришда иш ҳақи тизимини тўғри қўллашни кўриб чиқади.

Тажриба шуни кўрсатадики, ишчилар одатда дангасарок буладилар ва менежерлар бу шароитни тушунган холда, ишчиларни молиявий мукофот билан тақдирлаб, озгина булса хам уларнинг ишларига кумак берадилар. Куп вазиятларда бу усул самаралидир. Анъанавий хак тўлаш тизимлари билан бир каторда (ишбай ва вактбай турлари) меҳнатга хак тўлашнинг меҳнат хаёти қиймати буйича хак тўлаш, меҳнат рейтинги буйича, меҳнатда иштирок этиш коэффициенти ва хоказолар буйича хак тўлаш хам кулланади. Бозор иктисадиётига утиш шароитида анъанавий тизимлардан ташкари хорижий тажрибани хам хисобга олган холда куйидаги тизимлар тадбик этилади, чунончи: фойдада иштирок этиш, хиссадорлар сармоясида катнашиш, транпорт харажатларига хак тўлаш ёки раҳбар ходимларга транспорт воситаларини бириктириб куйиш, тиббий хизмат кўрсатиш дастури, таълим дастури, турли хил сугурталар, имтиёзлар ва компенсациялар, имтиёзли карз олиш тизими ва шу кабилар. Бу тизимдан куплари меҳнатнинг нуфузини, шахсни ташаббускорлигини, ижодий фаоллигини, яъни унинг асослаш узаги турли томонларини Рағбатлантиришга каратилган. Масалан, фойда тизимидан фойдаланишда фойданинг улуши белгиланади, ундан Рағбатлантириш фонди шаклланади. Ана шу фонддан фойдага хакикатда таъсир кўрсата оладиган ходимлар тоифаси рагбатлантирилади. Инсоний муносабатлар усули. Рағбатлантиришнинг анъанавий усули узок давом этмади. Эльтон Мейо ва илмий тадқикот институти ходимлари “Инсоний муносабатлар усули” устида ишладилар. Мейо ва бошкалар шунга амин булдиларки, менежерлар ишчиларнинг ижтимоийэхтиёжларини билган холда, хамда уларни корхона ишини мухим ва фойдали эканлигини хис килишга даъват этиш оркали рагбатлантира оладилар. Анъанавий усулда ишчилар томонидан ишлаб чикилган ва ишчилар томонидан амалга ошириладиган самарали тизим оркали юзага келиши мумкин булган катта микдордаги иш хаки натижасида менежментнинг ваколатларини кабул килиш кутилади.

Инсоний муносабатлар усулида эса ишчилар раҳбарларни, уларга нисбатан маънавий муносабатда булишини ва уларнинг эҳтиёжига доимо диккат эътибор килишлари натижасида менежментнинг ваколатларини кабул килишлари керак. Инсоний ресурслар усули. Кейинчалик Марк Грейгор ва Маслов каби назариётчилар хамда Аргрис ва Лайкрет каби илмий изланувчилар инсоний муносабатлар усулини танкид килдилар. Бу назариётчиларнинг фикрича, ишчилар ёки уларнинг эҳтиёжларини кондириш учун каби факторлар билан эмас, балки ютукка хамда мазмунли иш учун эҳтиёжларни кондириш мумкин. Шундай килиб ишчиларга карорлар кабул килиш учун хамда уз вазифаларини амалга оширишлари учун масъулиятлар берилади. Шахснинг эҳтиёжи - инсонда харакатга интилишни вужудга келтирувчи бирор-бир нарсанинг йуклигини англашdir. Унинг нормал хаёт кечириши учун озука, уй-жой, об-хаво зарур булса, хотин-кизлар учун уларнинг кузга ташланиб туриши учун чиройли безаклар даркор. Инсон эҳтиёжларининг микдори ва хилма-хиллиги нихоятда катта булиб, бошлангич эҳтиёжлар ажратиб кўрсатилади. Булар инсон физиологияси томонидан вужудга келтириладиган озик-овкатга, хаво, уйку ва бошқаларга булган эҳтиёжлар булиб, улар инсоннинг биологик тур сифатида мавжуд булишини таъминлайди. Иккиласми эҳтиёжлар хаётий тажрибани ривожлантириш ва хосил килиш жараёнида пайдо булади. Улар бирламчи эҳтиёжлардан анчагина хилма-хилрок булиб, шахснинг психологик ривожланишига, турмуш шароитига, жамиятда, гурухда кабул килинган ижтимоий нормаларга бодликдир. Шахс эҳтиёжларининг бутун хилма-хиллиги унинг фаолиятининг манбанини, сабабини ташкил этади. Сабаб - инсоннинг нима учун харакат килишини кўрсатувчи, фаолиятга ички ундовчи нарса булиб, у муайян эҳтиёжларни кондириш билан бодликдир. Мисол: яхши хак олиб ишламайдиган мутахассис ходимнинг даромадлирок янги иш излаши мукаррардир. Бундай хатти-харакатнинг сабаби ишдан коникмаслик, бажараётган вазифаларига кизикишнинг пасайганлиги,

эхтимол, бошлиқ билан муносабатларининг бузилиши, жамоадаги шароитнинг узгарганлиги ва хамкаслари билан муносабатларида кескинликнинг кучайганлиги ва бошка сабаблар булиши мумкин. Бу барча холларда мутахассис ходимлар хулк-авторининг хакикий сабабларини урганиб бориш уз навбатида яхши ходимдан ажралиб олдини олиш, жамоадаги эхтимол тутилган низони олдини олиш имконини беради.

П-Боб. “ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖНИНГ 2015- 2017 ЙИЛЛАРДАГИ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ

ТАВСИФИ

2.1. § “ Жиззахавтотеххизмат ” МЧЖнинг тарихи ва бошқаруви

2.1.« **Жиззахавтотеххизмат**» МЧЖ бундан буён «Жамият» деб номланади ва у «Жиззахавтотеххизмат» АЖ акциядорларининг 2009 йил 15- апрелдаги навбатдан ташкари Умумий йигилиши қарорига ва 2009 йил 22-майдаги Таъсис шартномасига асосан «Жиззахавтотеххизмат» акциядорлик жамиятидан кайта ташкил этилган ва «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг хуқуқини химоя килиш тўғрисида»ги Конуннинг 100-моддасига асосан, «Жиззахавтотеххизмат» акциядорлик жамиятининг хукукий вориси хисобланади. «Jizzaxavtotexxizmat» МЧЖ «Жиззахавтотеххизмат» АЖнинг барча шартнома ва мажбуриятлари буйича жавобгарликларни уз зиммасига олади. «Жиззахавтотеххизмат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 1995 йил 23-августдаги № 242 сонли буйруги, Жиззах шахар хокимининг 1995 йил 19- сентябрдаги 976-ракамли қарори билан давлат рўйхатига олинган. Жиззах вилояти Жиззах шахар хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 5-ноябрда № 2420 сонли рақам билан жамиятнинг Янги тахиррдаги устави рўйхатдан ўтказилган.

2.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Маъсулияти чекланган хамда қўшимча маъсулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонуни буйича амалга оширади.

2.3. Ўзбек тилида: «**JIZZAXAVTOTEKXXIZMAT**» Mas’uliyati cheklangan jamiyati. **Рус** тилида: Общество с ограниченной ответственностью «ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ» Жамиятнинг қискартирилган номи Ўзбек

2.4. Жамиятнинг манзили: Жиззах вилояти Жиззах шаҳар Катта Ўзбек тракти-115 уй.

2.5. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

3. Жамиятнинг хуқуқий мақоми.

3.1. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.2. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишига ёки уларнинг Низом жамғармасида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга хақлидир.

3.3. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган мухри, штамларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги аломатларига эга бўлишга хақлидир.

3.4. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, уз номидан хуқукларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даввогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.5. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар булади. Жамият уз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар булмайди, худди шунингдек Жамият хам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

4. Жамият фаолиятининг мақсади, жабхаси ва турлари.

4.1. Фаолиятнинг умумий жабхаси. Жамият фаолиятининг жабхаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан маҳсус тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини амалга оширишдан иборат.

4.2. Фаолиятнинг аниқ турлари. Жамиятнинг фаолият турларига куйидагилар хам киради:

- Ўзбекистон Республикаси худудида енгил автомобиллар, микроавтобуслар, фургонлар, юк машиналарига пуллик хамда техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, улар учун зарур эҳтиёт қисмлар ва ашёларга доир маркетинг, савдо-сотик, савдо-воситачилик, сотувгача ва сотувдан кейинги хизматлар кўрсатилишини йулга қуиши.

4.3. Жамият фаолиятининг аниқ мақсади ва турларининг батафсил қайд этилиши Жамиятнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига маҳсус таъкиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик жабхасида фаолият кўрсатишини чекламайди.

4.4. Фаолият турлари: Узининг асосий фаолият доирасида, лекин уни чекламаган холда Жамият куйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- хукукий ва жисмоний шахсларга тегишли булган автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатишнинг янги турларини ишлаб чикиш ва жорий этиш; уларнинг ракобатбардошлигини ошириш;
- автомобиль техникасини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш буйича мутахассисларни укитиш ва кайта тайёрлаш;
- енгил автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шахобчаларини моддий техникавий жихатдан таъминлаш;
- халкаро транспорт ташиш хизматлар;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик холда автотранспорт воситаларини техникавий текширув-экспертизадан утказиш, транспорт воситаларининг баҳосини белгилаш буйича эксперт, баҳолаш-консалтинг хизмати кўрсатиш хизматини ;
- Янги технологияларини ишлаб чикиш, илмий-амалиётчилик фаолияти, воситачилик фаолияти, жумладан, чакана савдо, савдо – воситачилик ва лизинг фаолияти;
- дилерлик фаолияти;
- кургазмалар, намойиш-ярмаркалари, кимошди савдоларини уюштириш;
- автотранспорт, таъмирлаш, бадиий безаш ва фототасвирлар билан боғлик хизматлар кўрсатиш,
- Шахар ичидаги шахарлараро ахолига ва юридик шахсларга транспорт хизмат кўрсатиш:
- автомобилларга газ ёкилгиси ускуналарини урнатиш;
- юк ортиш – юк тушириш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш;
- кучмас мулк билан боғлик муомала – операциялар;
- халқ истемоли ва ишлаб чиқариш-техникавий йуналишдаги товар-маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- ташки иқтисодий фаолият;
- тюнинг хизмати;
- иккиласмачи бозор учун жисмоний ва юридик шахслардан автомобилларни сотиб олиш, уларни таъмирлаб, қайта баҳолаб сотиш,
- улгуржи савдо.

- ахолига турли хилдаги майший хизмат ишларини амалга ошириш.
- умумий овқатланиш иншоотларини, ресторан ва барларни очиш:
- Халқ истемоли моллари ва жамият эхтиёжи учун зарур булган моддий-техникавий молларни,
- хом-ашё, саноат моллари, автотранспорт материаллари, автомобил ва улар учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш, товар алмаштириш ва уларни сотиш:
- Чет эл мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш:
- Ташки иқтисодий фаолиятни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш:

4.5. Жамият фаолиятининг мақсади куйидагилардан иборат.

- Ўзбекистон Республикасининг товар ва хизматлар бозорини тўлдириш
- Янги ишчи ўринларини ташкил этиш йули билан ахолининг бандлиги билан боғлик муаммоларининг хал этилишида ёрдам кўрсатиш,
- ўз фаолиятидан фойда даромад олиш.

5. Жамиятнинг мол-мулки.

5.1. Жамият мол-мулки куйидагилардан шаклланади:

- Жамият ворис сифатида «Жиззахавтотеххизмат» акциядорлик жамиятининг барча мол- мулки хисобидан шаклланади;
- Жамият Таъсисчилари (иштирокчилари) киритган Низом жамғармаси бадалларидан:
- Жамият Низомида кўрсатилган хизматлар кўрсатишдан тушган маблағдан:

- Ташкилот ва тадбиркорларнинг қонунга зид бўлмаган бадаллари ва бошка хил тушумлар ҳисобидан:

6. Жамиятнинг Низом жамгармаси (устав капитали).

6.1. Жамиятнинг низом жамгармаси таъсисчилари улушкининг номинал қийматидан ташкил этилади. Таъсисчиларнинг низом жамгармасидаги улуси таъсисчи улушкининг қийматини жамият низом жамгармасига бўлинган ҳолда фоизда аниқланади.

6.2. Жамият таъсисчиси улушкининг номинал қиймати «Жиззахавтотеххизмат» АЖдан «Jizzaxavtotexxizmat » МСНJ.га қайта тузиш вақтида таъсисчи эгаллаб турган барча акцияларининг номинал қийматига teng. Жамият таъсисчиси улушкининг хақиқий қиймати, унинг жамият низом жамгармасидаги улусига пропорционал ҳолатда олинган, жамият соғ активлари қийматининг кисмига teng.


6.3. Жамиятнинг низом жамгармаси 224145000 (Икки юз йигирма турт миллион бир юз қирк беш минг) сўмни ташкил қилиб, у собиқ «Жиззахавтотеххизмат» акциядорлик жамияти акциядорларининг тўлиқ шакллантирилган, жойлаштирилган улушларидан иборат булиб, куйидагича таксимланган:

Жиззахавтотеххизмат МЧЖнинг низоми.

“Жиззахавтотеххизмат” акционерлик жамияти “Узватосаноат” автомобилсозлар уюшмаси таркибига кирган бўлиб, “Узватотеххизмат” акционерлик бирлашмасига бўйсунади.

“УзДЭУавто” қўшма Жиззах вилоятидаги расмий дилери хисобланади. Жамият акцияларинин 51% Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан “УзДЭУавто” қўшма коронасига тегишлидир.

“УзДЭУавто” ташкилот бўлими асосий фаолияти вилоят аҳолисига чакана савдо, автомобил савдоси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат. Бундан ташқари корхона ўз низомига асосан Республика қонунчилигига тақиқланмаган хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга, маҳсус рухсатнома олган. Корхона хўжалик фаолиятини жамият бошқаруви раиси Нормухаммедов А. С мустақил бошқаради. Корхонанинг фаолиятини назорат қилиш корхона таъсисчилари томонидан амалга оширилади.



1.4-чизма. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖнинг бошқарув структураси.

Манба: Жиззах вилоят «автотеххизмат» акциядорлик худудий жамияти маълумоти асосида тузилди.

«Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ нинг лавозимлар йўриқномаси.

Бошқарув раиси – бошқарув раиси жамият фаолиятини бошқаришда умумий раҳбарликни олиб боради, жумладан:

- жамиятнинг бошқарув аппаратига бевосита раҳбарлик қилиб, бошқарув аппаратининг барча ходимларига иш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган қўрсатмалар беради, буйруқлар чиқаради;
- жамиятнинг ишлаб чиқариш хизмат қўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятлари йўналишларини белгилайди;
- тегишли мовунлар ва бўлим бошлиқлари билан келишган холда жамиятнинг кадрлар масаласини хал этади;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши қузатув кенгаши ва бошқарув қарорларини бажаришини таъминлаш билан бир қаторда жамиятнинг Ушбу бошқарув органларига жамият фаолиятига доир таклифлар киритади;
- Жамият моддий бойликларининг сақланиши юзасидан жавобгар шахсларни белгилайди;
- жамият фаолиятига доир ишларни бошқарув аппаратининг мансабдор шахслари ўртасида тақсимлайди.

Бош мухандис. Бош мухандис хизмат вазифаси бўйича бошқарув раисига бўйсинади ва жамият фаолиятига қўйидаги ишларни амалга оширади:

- Ишлаб чиқариш ва техника бўлимига восита раҳбарлик қиласи;
- ишлаб чиқариш бўйича кадрлар масаласида жамият бошқарув раисига таклифлар киритади;
- жамиятнинг ишлаб чиқариш фалиятини бошқаради. Жамиятга қарашли барча техник хизмат қўрсатиш устахоналари, уларнинг филиаллари автостаянкалар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлимларининг ишини ташкил қиласи;
- ишлаб чиқариш жараёнига доир вазифаларни ходимлар ўртасида тақсимлайди. Моддий бойликлани жавобгар шахсар зиммасига тўғри

топшиорилиши мақсадли ишлатилиши, сақланиши бўйича назорат олиб боради, улар юзасидан жавобгар ҳисобланади;

- ишлаб чиқариш режаларини белгилайди, жамият бошқаруви раисига тасдиққа олиб киради. Режаларининг бажарилиши юзасидан бошқарув раисига ҳисобот беради, уларга ўзгартирилар киритиш юзасидан таклифлар киритади;

- бошқарув раиси таътилда, хизмат сафарид, даволанишда бўлган давр ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда жамият фаолияти бўйича умумий раҳбарликни олиб боради (жамиятнинг ташкилий – хуқуқий тузилмаси, моддий бойликлар ва маблағлар тасаруфи ҳамда кадрлар масаласи бундан мустасно);

- меҳнат муҳофазасини қучайтиришга доир таклифлар киритади ва тадбирларда иштирок этади.

Бошқарув раисининг савдо бўйича мувовини. Хизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раиси (бошқарув раиси вазифасини вақтинча бош муҳандис бажариб турган даврда бош муҳандис)га бўйсунади ва жамият фаолиятида қуидаги ишларни бажаради:

Савдо ва маркетинг бўлимига бевосита раҳбарлик қиласи;

Савдо фаолияти бўйича кадрлар масаласида жамият бошқаруви раисига таклифлар киритади.

- жамиятнинг савдо фаолиятини бошқаради, жамиятга қарашли барча автосалонлар, уларнинг жойлардаги филиаллари, савдо дўконларининг ишларини ташкил қиласи;
- меҳнат муҳофазасини қучайтиришга доир таклифлар киритади ва тадбирларда иштирок этади ва бошқа вазифаларни бажаради.

Бошқарув раисининг умумий масалалар бўйича муовини. Хизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раиси (бошқарув раиси вазифасини вақтинча бош муҳандис бажариб турган даврда бош муҳандис)га бўйсинади ва жамият фаолиятида қўйидаги ишларни бажаради:

- жамиятнинг ички хўжалик фаолияти бўйича ташкилий ишларни амалга оширади;
- хўжалик ходимлари бўйича кадрлар масаласида жамият башшқарув раисига таклифлар киритади;
- жамият хўжалик ишларини бошқаради, жамият ходимларининг қишлоқ хўжалик ишлаир ва бошқа оммавий тадбирларга жалб этади, меҳнат шароити яратади;
- ҳар бир моддий бойликлардан тўғри фойдаланишни талаб қилади ва назоратга олади ва бошқа вазифаларни бажаради.

Бош иқтисодчи. Бош иқтисодчи ҳизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раисига бўйсинади ва қўйидаги ишларни амалга оширади:

- жамиятнинг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади ва тасдиқка олиб киради;
- жамиятнинг умумий фаолияти юзасидан иқтисодий тахлил юритади;
- доимий равишда жамиятнинг иқтисодий аҳволи фойда ва заарлар юзасидан бошқарув раисига маълумот беради;
- иқтисодга талуқли ҳисоботларни ўз муддатларида белгилангшан жойларга топширишини таъминлайди

Бош ҳисобчи. Хизмат фазифаси бўйича бевосита бошқарув раисига бўйсинади

- жамият бухгалтериясига бевосита раҳбарлик қилади.

Девонҳона мудири. Хизмат фазифаси бўйича бевосита бошқарув раисига бўйсинади ва жамият умумий бўлимига бевосита раҳбарлик қилади.


Савдо ва маркетинг бўлими бошлиги. Хизмат фазифаси бўйича бевосита бошқарув раисининг савдо бўйича муовинига бўйсинади ва савдо бюўлими ишининг ташкил қиласи. Ходимларга ўз вазифасини тақсимлайди.

Мен юқоридаги лавозимлар билан бирга қўйидаги лавозимлар жорий этилганлигини ўрганиб чиқдим: Ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи, менежер, автомобиллар омбори мудири, эҳтиёт қисмлари омбори мудири, ДЭУ мухандиси, хавфсизлик техникаси мухандиси, ишлаб чиқариш бўлими мухандиси, техник хизмат кўрсатиш устахонаси бошлиғи, ҳуқуқшунос, маош ҳисобчиси, ашиёвий ҳисобчиси, автомобил ҳисобчиси, хазиначи, ҳисобчи, ҳодимлар назоратчisi, компьютер оператори, котиба-референт, қурувчи мухандис, таъминотчи, хайдовчи, нурчи, автосалон мудири, автостаянка бошлиғи, сотувчи, қоровул, қабул қилувчи уста, таъмирловчи уста, фаррош, боғбон, қозонхона оператори.


2.2. § “ Жиззахавтотеххизмат ” МЧЖ нинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили. 2.1-Жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2016 йилга нисбатан	
						Фарки (+;-)	Ўсиш %
1	Махсулот сотишдан тушган тушум	минг сум	2952476	5918605	3068835	-2849770	51,9
2	Ялпи даромад	минг сум	2154467	1648262	1820539	172277	110,5
3	Ишловчиларни ўртacha йиллик иш хақи фонди	минг сум	616422	771964	856849	84885	111,0
	Жумладан:						
	А) ишчиларники		493137,6	617571,2	685479	67907,8	111,0
	Б) хизматчиларники		123284,4	154392,8	171370	16977,2	111,0
4	Ишловчилар ўртacha йиллик сони шундан:	киши	78	68	68	0	100,0
	А) ишчилар	киши	51	42	46	4	109,5
	Б) хизматчилар	киши	27	26	22	-4	84,6
5	Бир ишловчининг ўртacha йиллик иш унуми	минг сум	37852,26	87038,31	45129,93	-41908,4	51,9
6	Бир ишчининг ўртacha ойлик иш унуми	минг сум	57891,69	140919,17	66713,80	-74205,4	47,3
7	Асосий воситаларни ўртacha йиллик киймати	минг сум	1900621	1484739	1618701	133962	109,0
8	Айланма маблагларнинг ўртacha йиллик киймати	минг сум	2579664	994048	956593	-37455	96,2
9	Ишлаб чикариш харажатлари	минг сум	798009	4270343	1248296	-3022047	29,2
10	Умумхужалик фаолияти-нинг молиявий натижаси	минг сум	750510	158418	119893	-38525	75,7
11	Соликлар	минг сум	72095	21981	14608	-7373	66,5
12	Бошқа ушланмалар ва йигимлар	минг сум	53733	10915	8421	-2494	77,2
13	Соф фойда	минг сум	624682	125522	96864	-28658	77,2
14	Рентабеллик(12к:1к)*100	%	21,16	2,12	3,16	1,04	148,8
15	Дебиторлик қарзлар	минг сум	2294350	634419	619734	-14685	97,7
16	Кредиторлик қарзлар	минг сум	724514	521793	716888	195095	137,4

Юқоридаги жадвалда «Жиззахавтеххизмат» МЧЖ нинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник – иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил килинган бўлиб, унга кўра бажарилган ишлардан тушум 2015 йилда 2952476 сўмни, 2016 йилда 5918605 сўмга 2017 йилда эса 3068835 сўмга ташкил этиб, 2017 йил 2016 йилга нисбатан 2849770 минг сўмга камайган. Ишловчиларни ўртacha йиллик иш хақи фонди 2015 йилда 616422 сўмни, 2016 йилда 771964 сўмни, 2017 йилда 85684 сўмни ташкил этган. 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 84885 сўмга ошган ёки 110 % фойизга ўсган. Бир ишловчининг ўртacha йиллик иш унуми 2015 йилда 37852,26 сўмни, 2016 йилда 87038,31 сўмни 2017 йилда 45129,93 сўмни ташкил этган. 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 41908,4 сўмга камайган ёки 51,9% пасайган. Хўжаликнинг молиявий фаолият натижаси ҳам 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 38525 сўмга камайган. Корхонанинг дебиторлик қарzlари 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 14685 минг сўмга камайган. Кредиторлик қарzlари 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 195095 сўмга ошган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхонада ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича тизимли чора тадбирлар амалга ошириш лозим. 2015 йилга нисбатан 2017 йилда корхонанинг қатор кўрсаткичлари камайган. Жумладан маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳисботот йилда кескин камайган, кредиторлик қарzlари ошиб дебиторлик қарzlари эса аксинча камайган.



2.1-расм. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ нинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник – иқтисодий күрсаткичлари диаграммаси.



2.2-расм. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ нинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник – иқтисодий күрсаткичлари диаграммаси.

2.3 .§ Меҳнат ва атроф мухитни мұхофаза қилиш

Ишлаб чиқаришда травма сабабларини таҳлил қилиш инсоннинг атроф ишлаб чиқариш мухити билан чамбарчас боғлиқлигини күрсатади.

Меҳнат операцияларини бажариш процессида ишчиларнинг Ўрта Осиёning жазирама иссиғи шароитида интенсив қуёш нурланиши, чанг, шамол, шовқин ва бошқа заарарлы факторлар таъсирида ишлайдилар. Күпчилик иситилмаган хона ва машина кабиналарида ишлайдилар (чунки

амалда гуё Ўрта Осиёда совуқ фасл бўлмайди, деган нотўғри фикр бор ва шунинг учун ишчиларни иситиш масалалари билан шуғулланилмайди), иссиқ коржомалар нормаларда умуман кўзда тутилмаган. Ишчиларнинг коржомаларига кўпинча хлор, этилланган бензин, турли антисептиклар ва шунга ўхшаш зарарли моддалар шимилади. Бунинг ҳаммаси умумий ва касбий касалланишларга олиб келади, бу эса ўз “навбатида ишчилар меҳнатига салбий таъсир курсатади.

Транспорт соҳасида травматизм манбалари бўлган асосий ишлаб чиқариш факторлари қўйидагилардир: электр токи, монтаж қилинаётган конструкциялар, вақтинчалик қурилмалар, машиналарнинг айланадиган - қисмлари, ҳаракатдаги транспорт, уювчи ва заҳарли моддалар, ковлаш вақтида ўпириладиган грунт ва қурилиш майдончасининг ўзи.

Қурилишда электр токи билан жарохатланиш қурилиш май-дончасида жойлашган хавода ўтказилган вақтинчалик электр занжирларидан фойдаланишда, тусиш тармоқларидағи ток приёмниклари, ишга тушириш ва тақсимлаш қурилмаларидан фойдаланишда ихота қурилмалари такомиллаштирилмаганлиги, изоляцияси ёмонлиги, ерга яхши уланмаганлиги ва индивидуал химоя воситалари йуқлиги сабабли юз беради. Транспорт соҳасида ишчиларнинг шикасланиш эҳтимоли ишнинг хавфли усулларини куллаш натижасида, яъни металл конструкцияларни монтаж қилиш ва ёпмалар хамда девор қуриш ишлари алоҳида олиб борилганда келиб чикади. Монтажчи конструкцияларни монтаж қила туриб, тухтовсиз силжийди ва анча баландликка кутарилади. Ишлар эса, одатда очиқ, тор ва тусилмаган ёки кичик таянчларда, жуда ноқулай, яъни эгилган холда, утириб, ётиб ва шу каби вазиятларда олиб борилади. Куп холларда юкорига кутарилиш мосламалари йук бўлганда, монтаж қилинаётган конструкцияда турган монтажчи (верхолаз) балкалар, прогонлар, фермалардан юришга мажбур булади, бу эса иш вақти давомида ишчи асабларининг зурикишига

олиб келади. Бу қурилмаларнинг такомиллашмаганлиги, кўпинча, уларнинг қулаб тушишига ва одамларнинг йиқилишига олиб келади. Қурилиш ташкилотларида сўри, хавоза ва беланчакларнинг тури кўплигига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги ёки меҳнат хавфсизлигини таъминламайди, ёки ишни юритишнинг янги технологиясига мос келмайди. Масалан, ғишт терувчи сурида ишлаётган вақтда биринчи қаторларни теришда унинг энгashiшига ва кейинчалик чўзишишига ёки оёқ учидага туришига туғри келади.

Қурилиш машиналари конструктив камчиликлари, улардан, нотуғри фойдалар тўсиқларининг йуқлиги туфайли хам тавматизмга сабаб бўлади. Айланувчи кабинада ишлайдиган экскаватор ва бошқа қурилиш машиналарининг машинистлари ҳаммадан кўра кўпроқ касалланишга чалинадилар.

Ҳаракатдаги транспорт қурилишда травматизмнинг энг куп тарқалган манбай хисобланади. Травматизмга асосан ташлаётган юкни нотуғри маҳкамлаш, транспорт воситалари ва йулларнинг ёмонлиги, ҳаракат қоидаларини бузиш, автомобиль транспорти хайдовчиларининг интизомсизлиги сабаб бўлади.

Қурилишда қўлланиладиган қуювчи ва заҳарли моддалар, индивидуал химоя воситалари йўқлигига, улар нотуғри сақланган ва ташилган ҳолларда, ишчиларга зарарли таъсир кўрсатади ва уларнинг заҳарланиши хамда касалланишига сабаб бўлади.

Грунтнинг ўпирилиши хам травма олиш сабабларидан биридир (кўпинча ўлим билан тугайди). Грунт уни қирқишида ва юмшатишда, тинч турган ҳолда (бунда осилиб турган козирёкларда, маҳкамланмаган чуқур траншеялар деворларида ва тунга ўхшаш ҳолларда тупроқ заррачалари орасидаги боғланиш йуколади) ўпирилиши мумкин.

Мехнат шароитлари ишчи кучидан рационал фоидаланишни таъминлайдиган техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмuinи кузда тутади. Мехнат шароитларини яхшилаш тадбирлари меҳнатнинг яқуний натижаларига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Мехнат шароити ўзининг моҳиятига кура социал категориядир. Мехнат процесси одам организми учун энг кулай ишлаб чиқариш шароитларида ўтиши керак. Шунинг учун меҳнатни хакикий илмий-ижтимоий нуқтаи назардан ташкил қилиш вазифаларидан бири киши саломатлиги учун хавфсиз шароит яратиш ва ишчи кучининг нормал ишлашини таъминлашдир.

Мехнат шароитларини тадқиқот қилишда унга ҳар томонлама ёндошиш лозим. Бунга қўйидагилар киради:

- ✓ олдинги тажрибани ўрганиш (баҳтсиз ходисалар ва профессионал касалликлар сабаблари);
- ✓ қурилишда амал килаётган технологик процессларда меҳнат шароитларини жорий тадқиқот қилиш;
- ✓ қониқарсиз меҳнат шароитларининг юз бериш эҳтимоли катта бўлган салбий оқибатларини анализ қилиш;
- ✓ меҳнат шароитларининг заарли таъсир факторларини ўрганиш. Бу факторларга қўйидагилар киради: шовкин, вибрация, юқори ёки жуда паст температура, қурилиш участкалари хавосининг чанг, газ ва заҳарли аралашмалар билан ифлосланганлиги.

Ишлаб чиқаришни тури ташкил этиш ишлаб чиқариш мухити факторларининг заарли ва хавфли таъсирини хавфсизлик техникаси бўйича тадбирлар ўtkазиш йули билан бартараф этишни кўзда тутади. Бирок, хавфсизлик техникаси талабларини бажариш ишчилар учун уларнинг ишлаб

чиқариш планини бажаришига халақит берувчи ёки иш учун таъриф баҳоларига кирмайдиган кўшимча нагрузка бўлиб қолмаслиги керак.

Хар йили ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олишга юз миллион сўмлаб маблағ сарфланади, бироқ кўпгина корхоналарда травматизмнинг жиддий пасайиши сезилмаяпти. Бинобарин, травматизм билан курашишнинг бошқа методларини излаш керак. Бахтсиз ходиса юз берган шароитларни текшириш шу нарсани кўрсатдики, унинг содир бўлишга кўпинча жарохатланувчининг ўзи, унинг шахсий сифатларидаги етишмовчилик сабаб бўлар экан.


Ш-боб. “ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖДА МЕҲНАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РағБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

3.1.§ “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг меҳнат кўрсаткичларини таҳлил қилиш

Меҳнат ресурслари - бу ахолининг жисмонан ривожланган, ақлий қобилият ва билимларга эга, меҳнатга лаёқатли қисмидир. Одатда уларни ахолининг иқтисодий фаол қисми деб аталади. Меҳнатга лаёқатли ахолининг катта қисми (моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганларнинг тахминан 8-10 фоизи) бугунги кунда транспорт соҳасида ишламоқда. Хусусан транспорт соҳасида республикамизда денгиз транспортидан ташқари барча замонавий транспорт турларига эга. Охириги йилларда тарснорт соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажм ва сифат жихатидан янги босқичга кўтарилди. Буни кўрсаткичларда ҳам кўриш мумкин.

Юк ташии. 2018 йил январь-март ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 242,0 млн. т юклар ташилди, бу 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 103,7 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 16,2 млрд. т/кмни ташкил этди ёки 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 0,8 % га юқори бўлди. Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 86,1 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улушки 13,9 % га тўғри келади.


Транспорт турлари бўйича юк тасиши таркиби, юк тасиши умумий ҳажмига нисбатан % да



Автомобиль транспорти орқали 208,3 млн. тонна юк ташилди, бу 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 4,8 % га кўпдир. Автомобиль транспортиning юк айланмаси 3,2 % га ошиб, 2,7 млрд. т/кмни ташкил этди.¹³

¹³ Stat.uz

Худудлар бўйича автомобиль транспортида юк тасиши таркиби, %
(2018 йил январь-март ойлари учун)



Иқтисодиётни модернизациялаш шароитлари меҳнат ресурсларини маҳорат билан бошқариш ва аввало, кадрларни макроиктисодий микёсда хам, унинг бирламчи буғинлари - корхоналар, ташкилотлар ва бошка хужалик субъектлар микёсида хам кадрларни туғри танлаб, туғри жойлаштириш хам муҳим ахамиятга эгадир. Бугунги кундаги кадрлар ишлаб чикириш техникаси ва технологиясини яхши тушуниш билан бирга, иктисодиёт ва иктиносидий ривожланиш конунларини, бизнес-стратегияларни, илмий менежмент асосларини, хужалик юритишнинг хукукий масалаларини билишлари, ишлаб чикиришда юзага келадиган вазифаларни тезкор еча олишлари керак.

Меҳнат ресурслари сонини аниқлашдаги бошланғич маълумотлар бўлиб, ушбу худуд аҳолисининг сони, таркиби ва харакати кўрсаткичлари хизмат қиласди.

Бунда қуидаги күрсаткичлар назарда тутилади.

1) Йил давомида ахолининг уртacha йиллик сони $P: P=(P_6+P_o)/2$

бу ерда P_6 – ахолининг йил бошидаги сони; P_o - ахолининг йил охиридаги сони;

2) Йил давомида умумий тугилиш коэффициенти (n) (промилледа);

$$n=N_i/P \cdot 1000;$$

3) Йил давомида умумий усиш коэффициенти (m) (промилледа); $m=N_j/P \cdot 1000;$

4) Йил давомида ахолининг табиий усиши (камайиши) (E); $E=N_i-N_j$

бу ерда N_i – йил давомида тугилганлар сони; N_j – йил давомида улганлар сони;

5) Ахолининг табиий усиш коэффициенти (K_t) (промилледа); $K_t=E/P \cdot 1000;$

6) Йил давомида ахолининг механик (миграцион) купайиши (камайиши) (C): $C=M_i - M_j$; Бу ерда M_i – йил давомида кучиб келган ахоли сони; M_j – йил давомида кучиб кетган ахоли сони;

7) Ахолининг механик купайиши коэффициенти (K_M); $K_M=C/P \cdot 1000;$

8) Йил давомида ахолининг умумий купайиши (ΔP) $\Delta P=E+C;$

9) ахолининг умумий усиш коэффициенти (K_o) (промилледа); $K_o=\Delta P/P \cdot 1000;$

10) тахлил килинаётган йил охирига ёки келаси йил бошига ахоли сони башорати (P_k): $P_k=P_H+E+C.$

Меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодалаш учун күрсаткичлар тизими қўлланилади. Бироқ ҳар бир кўрсаткич ҳам у ёки бу жиҳати билан муҳимдир. Шу туфайли уларнинг ҳар бирига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг бошқа кўрсаткичларга қандай таъсир қилганлигини ҳисоблаш катта аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий жараёнлар ва унинг инъикоси бўлган кўрсаткичлар ҳам бир – бири билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга бир кўрсаткич тахлили жараёнида биринчи галда натижа деб қаралса, иккинчи ҳолда омил деб қараш мумкин.

**“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги мөхнат
ресурслари таҳлили**


3.1-Жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Фарки (+,-)	Ўзгариш сурати %
1	Мөхнат ресурларининг ўртача йиллик сони	киши	78	68	68	0	100,0
2	Шу жумладан олий маълумотли мутахассислар	киши	27	26	22	-4	84,6
3	Уларнинг улуси	%	34,62	38,24	32,35	-5,88	84,6
4	Ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар	киши	51	42	46	4	109,5
5	Уларнинг улуси	%	65,38	61,76	67,65	5,88	109,5
6	Ўрта маълумотли ходимлар	киши	12	11	9	-2	81,8
7	Уларнинг улуси	%	15,38	16,18	13,24	-2,9	81,8
8	Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар	киши	1	1	1	0	100,0
9	Уларнинг улуси	%	1,28	1,47	1,47	0	100,0
10	Ишчилар сони	киши	51	42	46	4	109,5
11	Ишчиларнинг улуси	%	65,4	61,8	67,6	5,9	109,5
12	Ишга кабул қилинганлар	киши	5	9	18	9	200,0
13	Ишдан бўшатилганлар	киши	4	5	6	1	120,0
14	Шу жумладан салбий асослар билан бўшатилган	киши	1	1	1	0	100,0
15	Мөхнат ресурси обороти, коэффициен-ти $(12к+13к):1к$	-	0,12	0,21	0,35	0,15	171,4
16	Мөхнат ресурси кўнимсизлиги коэф-фициенти $(14к:1к)$	-	0,01	0,01	0,01	0	100,0
17	Шу корхонада 3 йил-дан кўп ишлаганлар	киши	70	64	65	1	101,6
18	Мөхнат ресурси турғунлиги, коэффи-циенти $(17к:1к)$	-	0,90	0,94	0,96	0,01	101,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Мөхнат ресурларининг ўртача йиллик сони хисобот йилида ўзгармаган. Олий

маълумотли мутахассислар 4 нафарга камайган , ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар 4 нафарга кўпайган , ишчилар сони 2016 йилда 2017 йилга нисбатан 4 нафарга кўпайган. Ўрганилаётган йилларда корхонада ҳар йили салбий асослар билан бўшатилганлар сони ўзгармаган яъни бартарафэтилмаган. Шу корхонада 3 йилдан кўп ишлаганлар атига 1,6% ошган.

Мехнат ресурслари кўрсаткичлари ходимлар кўнимсизлиги ва олий маълумотли ходимлар сони камайгани, меҳнат ресурслари турғунлиги коэффицентига 0,01 % ошганлиги корхонада ходимлар билан ишлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этади.



3.1-расм. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ нинг 2015-2017 йиллардаги меҳнат ресурслари таҳлили диаграммаси.

**Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги меҳнат
ресурслари билан таъминланганлик кўрсаткичлари**

3.2-Жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017йил	Фарки (+;-)	Ўзгиш суръати %
1	Меҳнат ресурси сони штат жадвали бўйича йил бошида	киши	76	65	67	2	103,1
2	Хақиқий меҳнат ресурслари сони йил бошида	киши	78	68	68	0	100,0
3	Меҳнат ресурси билан штат жадвалининг таъминланганлиги коэффициенти (1к:2к)		0,97	0,96	0,99	0,03	103,1
4	Маҳсулот хажми	млн сум	2952476	5918605	3068835	-2849770	51,9
5	Меҳнат ресурсини ўртacha йиллик сони	киши	78	68	68	0	100,0
6	Меҳнат сигими бир миллион сўм маҳсулотга тўгри келадиган ходимлар сони (5к:4к)	киши	0,000	0,000	0,000	0	192,9
7	Асосий воситаларнинг ўртacha йиллик киймати	млн сум	1900621	1484739	1618701	133962	109,0
8	Айланма маблағларнинг ўртacha йиллик киймати	млн сум	2579664	994048	956593	-37455,0	96,2
9	Меҳнат ресурсларни қуроллан-ганлиги (7к:5к)	минг сум	24366,94	21834,40	23804,43	1970,0	109,0
10	Айланма маблағларнинг меҳнат ресурси билан таъминланганлиги бир миллион сўм айланма маблагга тўғри келадиган меҳнат ресурси (5к:8к)	киши	0,000	0,000	0,000	0,0	0,0

Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки меҳнат ресурслари ҳисобот йилида 2 нафарга ошган, меҳнат ресурсининг ўртacha йиллик сони ошмаган, айланма маблағларнинг ўртacha йиллик қиймати ҳисобот йилида 37455,0 сўмга камайган. Асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қиймати 2016 йилда 2017 йилга нисбатан 133962 сўмга ошган. Меҳнат ресурслари билан қуролланганлик 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 1970,0 сўмга ошган.

3.2. § “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш таҳлили.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг асосий бўғини бўлган корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг жуда кўп йўллари мавжуд бўлиб, уларга қуидагилар киради:

1. Моддий ресурслардан комплекс (ҳар тарафлама) фойдаланиш;
2. Чиқиндилардан ёки иккиламчи хомашё ва материаллардан фойдаланиш.

Хомашё ва бошқа айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш учун даставвал фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш керак. Эски техникани янги техника билан алмаштириш, айниқса, ҳозирги замонда ривожланган хорижий мамлакатлар технологиясини жорий этиш зарур. Бу борада ҳозирги пайтда республикада анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Россия, Олмония, АҚШ, Япония, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда қурилиш корхоналари техник ва технологик жиҳатдан яхшиланмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини компьютерлаштириш кучаймоқда. Баъзи бир машина-

механизмлар модернизация қилинмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашмоқда. Бу эса корхоналарда ишловчиларнинг малакасини ошишига таъсир кўрсатмоқда, оқибатда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган меҳнат буюми камаймоқда. Хомашё, ёқилғи, энергетика ресурслари, яъни айланма фондларнинг яхши ишлатилиши туфайли катта самара олиш борасида фақат техникавий омилларгина катта ўрин тутмасдан, ижтимоий-иктисодий омиллар ҳам етарли рол ўйнайди.

Айланма фондлардан самарали фойдаланишда хўжалик механизмининг аҳамияти катта. Хусусан, режалаштириш, баҳолаш, молиялаш, кредитлаш, хўжалик ҳисобини юритиш, бошқариш, моддий ва маънавий рағбатлантириш каби хўжалик механизмининг элементлари ҳам таъсир кўрсатади. Айланма фондлардан оқилона фойдаланиш учун рақобатни жорий этиш керак. Рақобат эса маҳсулотни энг сифатли, энг арzon ва қўплаб ишлаб чиқариш воситасидир. Рақобат бўлиши учун бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўп бўлиши керак.

Айланма фондлардан режавий фойдаланишни ташкил қилишда уларнинг айрим турларини маҳсулот бирлигига сарф этишни илмий асосда нормаллаштириш катта аҳамият касб этади. Бу ишни бажариш ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, моддий техника таъминотини ташкил этиш, техника ва технологияни такомиллаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Барча нормалар илмий жиҳатдан асосланган ва ўзларининг хусусиятлари бўйича илғор давр талабига жавоб берадиган бўлишлар зарур.

Моддий ресурсларни сарфлаш нормалари турлича бўлиши мумкин:

1. Фойдаланиш муддатига нормалар, а) истиқболли; б) йиллик ва оператив нормалар.

2. Кўлланиш миқёси бўйича нормалар икки хил: шахсий нормалар ва расмийлашган нормалар бўлади.

3. Нормаллаштирилаётган маблағнинг деталлаштириш даражаси: тайёр маҳсулот ёки унинг айрим қисмлари бўйича ажратилиши мумкин.

4. Материалларни деталлаштириш бўйича йиғма нормалар, йириклишган нормалар бўлиши мумкин.

5. Моддий ресурсларни тўгри, оқилона сарфлашни нормаллаштириш учун уларнинг таркибини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Нормалар таркибида қўйидагилар эътиборга олинади:

- маҳсулот бирлигига сарфланадиган фойдали хомашё ва материалларнинг миқдори.

- зарурий техник чиқинди ва бошқалар.

“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда меҳнат ресурслардан самарали фойдаланганлик даражасини қўйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги меҳнат ресурслари самарадорлиги кўрсаткичлари тахлили

3.3-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Фарки (+;-)	Ўзгариш суръати %
1	Маҳсулот хажми	минг сум	2952476	5918605	3068835	-2849770	51,9
2	Ялпи даромад	минг сум	2154467	1648262	1820539	172277	110,5
3	Соф фойда	минг сум	624682	125522	96864	-28658	77,2
4	Меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони	киши	78	68	68	0	100,0

5	Мехнат ресурслари натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги (1к:4к)	минг сум	37852,3	87038,3	45129,9	-41908,4	51,9
6	Мехнат ресурслари даромадлилиги (2к:4к)	минг сум	27621,4	24239,1	26772,6	2533,5	110,5
7	Мехнат ресурслари фойдалилиги (3к:4к)	минг сум	8008,7	1845,9	1424,5	-421,4	0,8

Жадвал маълумотларидан қўриниб жамиятда меҳнат ресурслари самарадорлиги яхши эмас. Меҳнат ресурслари натижавийлиги 2016 йилда 2017 йилга нисбатан 41908,4 мингсўмга камайган. Меҳнат ресурслари фойдалилиги ҳам 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 421,4 минг сўмга камайган.

3.3. § “Жиззахавтеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги

молиявий натижалари таҳлили

Молиявий натижа-корхонанинг ишини фойда суммаси ва рентабиллик даражасида ифодаланадиган якунdir. Корхонанинг молиявий хисботида молиявий натижалар 2-шакл «молиявий натижалар тўгрисидаги хисбот асосида аниқланади ва таҳлил қилинади. Бухгалтерия балансининг баланс пассиви 1-бўлим маблаглари манбаалари»да таксимланган фойда курсатилади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги тасдиклаган махсулотлар иш хизматлар ишлаб чикириш ва уни сотиш харажатларини таркиби хамда молиявий натижаларини шаклллантириш тартиби тугрисидаги низомга кура фойдани қўйидаги кўрсаткичлари фарқланади.

- махсулот сотишдан ялпи фойда;
- асосий фаолиятдан курилган фойда;

- умумхужалик фаолиятидан курилган фойда;
- соликларни тулашдан олинган фойда;
- соф фойда.

Махсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижалар таркибида фойда ва заардан шаклланиши асосий уринни тутади. Сотишдан олинган фойда соф тушумдан сотилган махсулот, иш ва хизматларни ишлаб чикиш учун сарфланган харажатларни чегириш асосида аникланади.

Соф фойда сотишдан олинган ялпи тушумдан олинган ялпи тушумдан олинадиган соликлар кушилган киймат солиги, акциз солиги, реклама солиги, сотиш хажмидан турли ажратмаларни чегириш асосида аникланади. Сотишдан олинган натижа махсулот, иш ва хизматларни сотилган каторга киритиш билан белгиланади.

Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 2974,2 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди. 2017 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирғанимизда, фойда ҳажми 1118,7 млрд. сўм ёки 60,3 % га кўпайган.

Ижобий молиявий натижа (фойда)нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 1777,7 млрд. сўмга, ташиш ва сақлашни амалга оширувчи корхоналарга – 1107,5 млрд. сўмга, савдо – 232,3 млрд. сўмга тўғри келади. Салбий молиявий натижа (зарар)нинг асосий қисми ахборот ва алоқа корхоналарига – 189,1 млрд. сўм, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналарига – 123,0 млрд. сўмга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналарига – 102,4 млрд. сўмга тўғри келади. 2018 йилнинг январь-февраль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирғанимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзбекнефтегаз” АЖ (574,6 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (480,4 млрд. сўм), “ОКМК” АЖ (239,2 млрд. сўм), “НКМК” ДК (73,7 млрд. сўм), “Ўзбекистон

хаво йўллари” МАК (65,6 млрд. сўм), “Ўзқурилишматериаллари” АЖ (41,7 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (19,6 млрд. сўм)га тўғри келади. Фойданинг пасайиши “Ўзбекэнерго” АЖ – 156,3 млрд. сўмга, “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК – 22,0 млрд. сўмга, “Дори-дармон” АЖ – 6,6 млрд. сўмга, Автомобил йўллари давлат қўмитаси – 2,2 млрд. сўмга,

2018 йилнинг январь-февраль ойларида худудлар кесимида якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-февралига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	2974,2	160,3
Қорақалпоғистон Республикаси	954,1	7,2 м.
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	-53,2	-
Бухоро	-136,2	-
Жиззах	10,8	162,5
Қашқадарё	183,3	100,1
Навоий	208,0	2,2 м.
Наманган	13,0	98,3
Самарқанд	23,7	123,2
Сурхондарё	20,6	107,8
Сирдарё	29,5	102,6
Тошкент	462,8	2,0 м.
Фаргона	-17,3	-
Хоразм	19,7	97,5
Тошкент шаҳри	696,4	67,4

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси 954,1 млрд. сўм (жами фойданинг 32,1 %), Тошкент шаҳри 696,4 млрд. сўм (23,4 %), Тошкент вилояти 462,8 млрд. сўм (15,6 %) Навоий вилояти 208,0 млрд. сўм (7,0 %) ва Қашқадарё вилояти 183,3 млрд. сўм (6,1 %)га тўғри келади.¹⁴

¹⁴ Stat.uz

Махсулот сотишда олинган фойда ва узгаришга таъсир этувчи омилларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- махсулот баҳосини узгариши.
- махсулотлар ишлаб – чикариш таннархининг узгариши.
- махсулотлар структурасининг узгариши ва бошка омиллар.


“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги молиявий натижалар таҳлили

3.4-Жадвал

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Фарки (+;-)	Ўзгар иш суръат и %
1	Махсулот сотишдан тушган тушум	мингсум	2952476	5918605	3068835	-2849770	51,9
2	Сотилган махсулот таннархи	мингсум	798009	4270343	1248296	-3022047	29,2
3	Махсулот сотишдан ялпи даромад	мингсум	2154467	1648262	1820539	172277	110,5
4	Давр харажатлари	мингсум	1550360	1900209	17455	-1882754	0,9
5	Сотиш харажатлари	мингсум	164	1259	282	-977	22,4
6	Маъмурий харажатлар	мингсум	1181905	1097611	114401	-983210	10,4
7	Бошқа операцион харажатлар	мингсум	368291	801339	60772	-740567	7,6
8	Асосий фаолият фойдаси	мингсум	750510	158418	119893	-38525	75,7
9	Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси	мингсум	72095	21981	14608	-7373	66,5
10	Солиқлар	мингсум	53733	10915	8421	-2494	77,2
11	Бошқа ушланмалар ва йиғимлар	мингсум	624682	125522	96864	-28658	77,2
12	Соф фойда	мингсум	624682	125522	96864	-28658	77,2

Корхонанинг молиявий фаолияти комплекс жараён булиб бу кўрсаткичлар тизими ёрдамида ифодаланади. Жадвал маълумотлардан “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг молиявий натижалари қуйидагича таҳлил этилди. Хизмат қўрсатишдан тушган тушум 52 % га ёки 2849770 сумга

камайган, маҳсулот сотищдан ялпи фойдаси 110, % га ўсиб борган давр харажатлари 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 1882754 камайган. Сотиш харажатлари 977 сўмга, маъмурий харажатлар эса 983210 сўмга ҳисобот йилида камайган. Асосий фаолият фойдаси – 38525 м.сумга ёки 75,5 % га камайга Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 7373 сўмга камайган . Соф фойда 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 28658 сўмга камайган. Корхонанинг молиявий натижалар жадвалидан қуидаги хulosаларни айтиш мумкин. Корхона молиявий барқарор эмас. Маҳсулот таннархи ва сотиш, давр , операцион , маъмурий ҳаражатларнинг 2016 йилда 2017 йилга нисбатан пасайгани маҳсулот сифати пасайганидан далолат беради.



3.2-расм. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги молиявий натижалар таҳлили диаграммаси.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишининг 3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш номли бандида: “..... иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш; эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш; хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш; иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш; эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш; хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;”¹⁵ назарда тутилган.

Меҳнат ўзининг таркибий ривожи жараёнида жиддий равища мураккаблашди: инсон тобора мураккаброқ ва хилма-хил операцияларни бажара бошлади, тобора уюшган меҳнат воситаларини ишлатиб, ўз олдига анча юксакроқ мақсадлар қўйиш ва уларга эришишга интилди.

¹⁵ Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.Lex.uz

Жамиятнинг меҳнат салохиятини кучайтириш, меҳнат ҳақ тўлаш тизимини ўрганиш ундан самарали фойдаланиш муаммолари иқтисодиётни модернизациялаш даврида бирмунча мураккаблашади ва уларнинг ечимини топиш иқтисодчи олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб хисобланади.

Иш ҳақи ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир. Шу билан бирга иш берувчи учун ёлланма ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ишлаб чиқариш харажатларининг элементларидан бири хисобланади. Иш берувчи меҳнат ресурсларидан ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида фойдаланиш учун уни харид қиласи.

Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида янги муносабатлар пайдо бўлади, меҳнат ресурслар бозори бўлган *меҳнат бозори* шакланади. Унинг *субъектлари* сифатида қуидагилар майдонга чиқади: *иши берувчи* (якка тартибдаги тадбиркор, тадбиркорлар бирлашмаси) - у муайян сифат хоссаларига эга бўлган маълум миқдордаги меҳнат ресурсига талаб билдиради; *ёлланма ходимлар* - улар меҳнат ресурсининг эгалари бўлиб, уларнинг миқдори ва касб-малака хусусиятлари меҳнат бозоридаги таклифни вужудга келтиради.

Транспорт корхоналарида шахсий манфаатдорликни таъминлаш воситаларидан бири бўлган меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш учун, қуидаги тушунчаларга амал қилиш талаб этилади:

1. Иш ҳақини ўсиш суръати меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатига тўғри келиши, яъни меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда унинг шундай шакл ва тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керакки у меҳнат унумдорлигини устун даражада ўсишини таъминласин, акс ҳолда ижтимоий жамғаришни амалга ошириб бўлмайди.

2. Иш ҳақи даражаси ходимларнинг ўз малакаси ва мутахассислигини доимо ошириб боришга рағбатлантириш даражасида бўлиши.

3. Мехнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда бажариладиган ишларнинг хусусияти, ишларни бажариш, маҳсулот етиштириш шароитлари, ишларнинг оғир ёки енгиллиги, малакали меҳнатни талаб қилиш-қилмаслиги ҳисобга Ҳозирги вақтда меҳнат тақсимотининг у ёки бу шакли соф ҳолда кўлланадиган касбни айтиш қийин, мазкур касбда фақат у ёки бу шаклнинг устунлиги ҳақидагина гапириш мумкин. Масалан, юк ташувчининг меҳнати оддий, жисмоний, бир хилдаги меҳнатдир, у жонли меҳнат ҳам, буюмлашган меҳнат ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи меҳнати учун ақлий, жонли ва ижодий меҳнат хосдир. Кўпчилик касбларни меҳнат тақсимоти шакллари бўйича аралаш меҳнат деб аташ мумкин. Бундай меҳнатга сотувчининг, иқтисодчи ва менежернинг меҳнатини киритиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган меҳнат тақсимоти шартли ҳисобланади. Бироқ у мазкур касбдаги ходим меҳнатига ҳақ тўлаш ўлчовини аниқлашга унинг меҳнат ҳиссаси ва жамиятда тутган роли мезонидан келиб чиқиб тўғри ёндашиш имконини беради.

Битирув малакавий ишида таҳлил қилинган “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг молиявий натижалари қуйидагича таҳлил этилди. Хизмат кўрсатишдан тушган тушум 52 % га ёки 2849770 сумга камайган, маҳсулот сотищдан ялпи фойдаси 110, % га ўсиб борган давр харажатлари 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 1882754 камайган. Сотиш харажатлари 977 сўмга, маъмурий харажатлар эса 983210 сўмга ҳисбот йилида камайган. Асосий фаолият фойдаси – 38525 м.сумга ёки 75,5 % га камайга Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 7373 сўмга камайган . Соф фойда 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 28658 сўмга камайган. Корхонанинг молиявий натижалар жадвалидан қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин. Корхона молиявий барқарор эмас. Маҳсулот

таннархи ва сотиш, давр , операцион , маъмурий ҳаражатларнинг 2016 йилда 2017 йилга нисбатан пасайгани махсулот сифати пасайганидан далолат беради.

Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки меҳнат ресурслари ҳисобот йилида 2 нафарга ошган, меҳнат ресурсининг ўртacha йиллик сони ошмаган, айланма маблағларнинг ўртacha йиллик қиймати ҳисобот йилида 37455,0 сўмга камайган. Асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қиймати 2016 йилда 2017 йилга нисбатан 133962 сўмга ошган. Меҳнат ресурслари билан қуролланганлик 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 1970,0 сўмга ошган.

Биз “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг иқтисодий қўрсаткичларини таҳлил қилиб қуидаги таклифларни илгари сурамиз:

- Хомашё ва моддий ресурслардан тежаб – тергаб фойдаланиш;
- Маҳсулот сифатини сақлаган ҳолда, маҳсулот таннархининг арzonлашувига эришиш;
- Транспортда хизмат қўрсатишнинг илғор тажрибаларни жамият амалиётига жорий қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш;
- Меҳнатни моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ривожлантириш ва жамиятда ишда банд ходимларнинг меҳнат мотивациясини мезонларини қайта қўриб чиқиш, бугунги кун талабларига мослаштириш;
- Меҳнатни моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига инновацион усусларни жорий этиш;
- меҳнат жараёнида янги технологияларни ва меҳнат турларини ўзлаштириш, меҳнат функцияларини ва вакилларини янгича тақсимлаш, ходимларни янги вазифага кўтариш ва уларнинг жойини

ўзгартириш усуллари, янги лавозим тавсифномалари ва йўриқномаларини ишлаб чиқиш фаолиятларини жадаллаштириш;

- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантира оладиган мутахассисларни тайёрлаш ва бунинг учун иқтисодий ва юридик базаларни такомиллаштириш;
- Жамиятда ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича йўл ҳаритасини ишлаб чиқиш;
- Таҳлил жараёнида кўзга ташланган камчиликларни жамиятнинг кейинги фаолиятида бартараф этиш;
- ходим ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан кучайтириш, онгли равишда қатъий режалашдан воз кечиш;

Юқорида келтирилган таклифлар жамиятда меҳнат мотивациясини янги босқичга олиб чиқади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 1 июл. 2017 г. www.gazeta.uz
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев парламентга 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси. www.gazeta.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.2018йил22 январ. № ПФ-5308. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” Давлат дастури
5. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». – Т.: Ўзбекистон, 1996. 357-358 бетлар.
6. Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно – логических схемах .- Москва, 2008 – С.928-929
7. Соломанидина Т.О., Соломанидин В.Г – М.: “Управление персоналом” , 2008.- С. 428
8. Егоршин А.П. Управление персоналом – Нижний Новгород, 2010. – С. 379
Абдураҳмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш . –Т.: “Ўқитувчи”, 2008. – 428- б
Абдураҳмонов Қ.Х., «Меҳнат иқтисодиёти» Т.: «Меҳнат» 2004.
9. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар «Меҳнат иқтисодиети ва социологияси» Т.:2001
10. Маршев В.И. История управленческой мысли. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009 – с. 86

11. А.Исмоилов, О.Муртазаев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ”. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Т. 2003 й.
12. А.Абдуганиев, А. А. Абдуганиев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамгармаси нашриёти, Т. 2004 й.
13. О.Олимжонов, Т.Фармонов, П Қосимбеков, С. Сирожиддинов, М. Қосимов, И Рафиқов “Фермерлик фаолиятининг хуқуқий ва молиявий асослари”. Университет, Т. 2005 й.
14. Р.Ҳакимов, М.Отакулов, Э.Юсупов, М.Юсупов “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамгармаси нашриёти, Т. 2004 й.
15. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуни.
16. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири).
17. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни
18. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни
19. Абдукаримов И.Т ва бошқалар “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” Тошкент 2003
20. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар “Персонални бошқариш” Т, “Шарқ” 1998
21. Вахобов А.Б. ва б. “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Шарқ:, Тошкент 2007
22. Додобоев Ю.Т ва бошқалар “Иқтисодий назария курси” Фарғона 2000
23. А.Ўлмасов, М.Шарифхужаев “Иқтисодиёт назарияси” Т “Меҳнат” 1995
24. Х. Раҳимова ва бошқалар “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т, “Ўзбекистон” 2003

25. Додобоев Ю.Т ва бошқалар “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш” Тошкент 1999
26. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
27. Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти: Маъruzza матнлари –Т.: ТДИУ, 2005
28. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.-223
29. Фуломов С.С. ва бошқалар “Ходимларни бошқариш” Тошкент 2003
30. Ш. Зайнутдинов ва бошқалар “Персонални бошқариш” Тошкент 2008
31. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё.А “Менежмент” Т, “Ўқитувчи” 2001
32. Фуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т: «Китоб», 1999
33. Солиқ ва божхона хабарлари газетаси 2015-2016-2017 йиллардаги сонлари
34. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)
35. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Кўмитаси сайти)
36. www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси)
37. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
38. www.mf.uz. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

